



## ЭНЕРГЕТИКА БОЗОРНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 июнь куни электр энергетикаси корхоналари фаолиятини трансформация қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳоли талаби тобора ўсиб, ёқилги энергетика тармоғи шунга мутаносиб модернизация қилинмоқда. Бу ишлар давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 мартдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси асосида олиб борилаётган.

Хусусан, собиқ "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти негизда электр энергияси ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва сотиш бўйича 3 та алоҳида тузилма ташкил этилди. 7 миллион истеъмолчи Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига уланиб, аҳолидан тўлов ундириш 100 фоиз таъминланмоқда. Генерация соҳасида жами 7 миллиард долларлик 19 та қуёш, шамол ва иссиқлик электр станциялари қуриш бўйича лойиҳаларга хорижий инвесторлар жалб қилинди.

Шу билан бирга, соҳада рақобатни яратиш, энергия таъминотининг ҳажми ва сифатини ошириш бўйича

ҳали қилинадиган ишлар кўп. Жумладан, энергетика тизимини модернизация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун келгуси йилларда 20 миллиард долларга яқин инвестиция талаб этилади. Бунинг учун соҳада рақобатли бозорни шакллантириш ва хусусий инвесторларга шароитларни кенгайтириш зарур.

Шу боис, йиғилишда энергетика бозорини бошқариш бўйича янги тизим яратиш масалалари муҳокама этилди.

Хусусий генерация корхоналари уланиши учун тенг шароит яратиш мақсадида "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятининг электр энергиясини ягона харид қилиш ва магистрал тармоқларни бошқариш ваколатларини ажратиш таклифи билдирилди. Бунда, ягона харид қилувчи компания барча электр станцияларидан электр энергиясини шартнома асосида сотиб олиб, йирик корхона ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига сотади. Магистрал тармоқ оператори

эса электр энергиясини етказиб бериш, йўқотишларни камайтириш ва энерготизимни техник бошқариш билан шуғулланади.

Келгуси йилда 14 та туман ва шаҳарда "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖга муқобил тарзда, истеъмолчиларга электр энергиясини сотадиган хусусий чакана электр савдо компаниялари ташкил этилади.

Шунингдек, тармоқ раҳбарларига трансформация жараёнини жадаллаштириш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қила оладиган компанияларга айлантириш яраклиги таъкидланди. Соҳа корхоналарининг операцион харажатларини оптималлаштириш, электр узатиш тармоқларини янгилаш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Ҳукумат ва соҳа раҳбарларига ушбу ислохотларни амалга ошириш учун зарур бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

ЎЗА

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

### ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Янги Ўзбекистонда ҳар куни янги лойиҳалар, янги ислохотлар амалга оширилаётганига ҳар биримиз нафақат гувоҳимиз, балки унинг иштирокчисига айланмоқдамиз. Албатта, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар аҳоли фаровонлигини таъминлашда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, юртимизда инсон қадрли ҳамма нарсадан устун.



Мана икки йилдики вазирилар, қўмита раислари, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг "Янги Ўзбекистон" газетасида қонунчилик ҳужжатлари ижросини ташкил этиш борасидаги тизимли мақолалар бериб келинмоқда. Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифлари чоғида, шунингдек, видеоселектор йиғилишларида Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш учун биргаликда самарадор тизим яратиш, ҳудудда яшаётган одамлар

бири — Мўйноқ туманида қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳолига етказиш, уларнинг ижросини таъминлаш борасида яратилган тизим тўғрисида мақола ёзишга ундади.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифлари чоғида, шунингдек, видеоселектор йиғилишларида Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш учун биргаликда самарадор тизим яратиш, ҳудудда яшаётган одамлар

турмуш тарзини яхшилаш, бу борада истиқболли иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш борасида бир қатор устувор вазифаларни белгилаб берган.

Пировардида, кейинги йилларда Қорақалпоғистонда ҳам бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари қизгин тус олди. Айниқса, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа, sanoat, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари билан бир қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишлари ҳам ислохотлар шиддатига мос равишда ўзгаришларга юз тутмоқда. Марказ Нукус шаҳридан тортиб олис Мўйноқ туманига шаҳарлар ва овуллар йилдан-йилга янги қиёфа касб этиб бормоқда.

Айниқса, Мўйноқ тумани аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган хайрли ишлардан туманимиз аҳолиси бениҳоя мамнун.

Мўйноқ туманини комплекс ривожлантириш борасида кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та, Вазирилар Маҳкамасининг 2 та қарори қабул қилиниб, ижроси тизимли равишда таъминлаб келинмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

## БУНЁДКОРЛИК

### КўНГИЛЛАРГА КўЧГАН ОБОДЛИК ЁХУДА ШАҲАРГА МЕНГЗАЛГАН ҚИШЛОҚ

Аброр отанинг асти касби муҳандис-механик. Мутахассислиги ортидан умри давомида турли жойларда ишлади. Одамларнинг яхши-ёмон кунларига ҳамроҳ, турли даврларга гувоҳ бўлди. Инсон қадрли букилиб, қадрли унутилган, биргина пахта терими деб аҳоли қанчалик қийналган вақтларни бошидан ўтказди. Эҳ-е, буни набираларига айтиб берса, чўпқачи чолга айланиши аниқ. У кунлар бугун эртакка айланди.



▶ Давоми 3-бетда

## МУНОСАБАТ

### Учинчи РЕНЕССАНСНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ренессанс қандай ҳодиса? У қачон юзага келиши мумкин? Тарихдан маълумки, Ренессанс, деб аталадиган ҳодисаларни шахслар юзага келтирган. Шахслар шаклланиши учун уларнинг ҳуқуқи, қадр-қиммати юксалиши тақозо этилади.

Қонунларга, конституцияларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳар бир жамият тарихида кузатиладиган ҳодиса. Бундай чораларни белгилашга зарурат, айниқса, ўтиш даврини бошдан кечирган давлатлар тарихида яққол кузатилади. Бунда Конституцияни ўзгартириш аксарият ҳолларда жамиятни янгилаш сари ҳаракатлантириш мақсадида мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий ҳаётига илғор

(прогрессив) ғояларни олиб кириш учун амалга оширилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқида илгари сурилган таклиф ва ташаббусларини тинглаб, яна бир бор ўрганиб, миллий давлатчилигимиз тарихида янги бир давр бошланаётганига амин бўлдик.

▶ Давоми 4-бетда

## ЁШЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

### ДУНЁ УМИД БИЛАН КўЗ ТИККАН КУЧ



#### Ишсизликни камайтиришда ўзгача амалиёт

Ҳозир вақтинча бекор, иш излаётган фуқароларни эҳтиёжи ва қобилиятига муносиб иш билан таъминлаш муҳим масала. Бу бандлик бўлимлари, мономарказлар, касб-хунарга ўргатувчи турли курслар, шунингдек, олий таълим муассасалари шуғулланадиган долзарб вазифа. Мазкур жараёни, аввало, маҳалладан бошлаб, ҳар бир хонадонда меҳнатга яроқли қанча одам борлиги, уларнинг қанчаси иш билан банд эмаслиги, ҳалқ ҳўжалигининг барча тармоғида қанча иш ўрни мавжудлигини ҳисобга олиш даркор.

▶ Давоми 5-бетда

## ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

### ОЛТИАРИҚ ТАЖРИБАСИ: ХИЗМАТ КўРСАТИШ СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИ



Олтиариқликлар наинки юртимизда, балки олис элларда ҳам ернинг тилини яхши биладиган, йилги уч-тўрт мартаба ҳосил оладиган миришкор сифатида танилган. Узумчилик эса халқаро бозорда туманнинг брендига айланиб бормоқда. Умуман олганда, Олтиариқнинг ҳар бир қишлоғи аҳолиси хонадонига кирманг, деҳқончиликнинг ўзига хос тажрибасидан сабоқ оласиз. Шу боис, бу ерда ҳар бир қарич ер қадрли, олтинга тенг.

▶ Давоми 2-бетда

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ҚАНЧА САРФЛАСАНГИЗ ҲАМ,  
ҚАЙТА ТИКЛАНАВЕРАДИ...

Ер юзид аҳоли сонининг ошиши, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши билан бирга, барча турдаги маҳсулотлар қатори энергия ресурсларидан фойдаланишга бўлган талаб ҳам кун сайин ортиб бораётти. Олимларнинг фикрича, энергия ресурсларидан ҳозиргидай фойдаланишда давом этсак, дунёдаги нефть захираси 50-60 йилга, табиий газ 70-75 йилга, кўмир эса 150-160 йилга етади, холос. Бу масаланинг ечими сифатида жаҳонда мўқобил энергия манбалари, яъни табиатда қайта тикланадиган қуёш, шамол, сув кабилардан энергия олиш жадаллашиб бормоқда.



**Кўнғиротбой ШАРИПОВ,**  
Тошкент давлат  
иқтисодиёт университети  
ректори, профессор

Мўқобил энергия манбалари ва энергия ташувчилардан фойдаланишнинг долзарблиги сайёраимизда сўнгги ўн йилликларда юзга келган глобал экологик муаммолар — иқлим ўзгариши, озон қатламнинг емирилиши ва бошқа сабаблар билан ҳам боғлиқ. Тахлилларга кўра, ҳар йили атмосфера қатламига биргина санат корхоналаридан 5 миллиард тоннадан ортқ карбонат ангидрид, 300 миллион тонна атмосфера углерод оксиди чиқарилади. Ачинарлиси, дунёда атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори ўтган асрнинг 50-йилларига нисбатан қарийб 4 баробарга ортган ва у барқарор ўсиш тенденциясига эга.

Шу боис, мўқобил энергетика дунёда инновация ривожланишининг муқаррар омилга айланган бормоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш электрэнергия ва иссиқлик ҳосил қилишнинг янги технология базаси шаклланишига олиб келади, электрэнергетика самардорлигини оширади, янги иш ўринлари яратиш, инсонлар ҳаёт сифати ошишига хизмат қилади. Қолаверса, атмосферага тарқалаётган захарли газлар ҳажми кескин пасайиб, экологик шароит яхшиланади, техноген фалокатлар таҳдиди камаяди.

Маълумотларга кўра, ҳозир жаҳонда энергия ишлаб чиқаришнинг 0,04 фоиздан камроқ қисмига қуёш энергетикасига тўғри келмоқда. Агар Ердати чўлларнинг бор-йўғи 4 фоизи қуёш панеллари билан қопланса, ҳосил бўладиган энергия бутун инсониятнинг энергия талабини қондиришга етар экан. Шу сабабли, бугунги кунда дунёнинг 65 дан ортқ мамлакатлари ўз олдига қуёш, шамол, сув энергияси, шунингдек, водород, биогаз ва бошқа мўқобил энергия манбаларидан кенгрок фойдаланишни мақсад қилиб қўйган. Бу борадаги ҳаракатлар ҳам кун сайин фаоллашиб бораётти.

### Мўқобил энергия қурилмалари учун компенсация тўланади

Юртимизда электр энергияга талаб ўсиб бормоқда. Бу иқтисодиёт ва санат тармоқларининг ривожланиши, аҳолининг электротехника ускуналари билан фойдаланиш кўрсаткичи ошиб бораётгани билан боғлиқ. Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда бир йилда



### Арзон ва экологик тоза энергия

Умуман, йиғилишда белгиланган вазибалар, тизимда тақдим этилаётган имтиёзларни кўриб, ҳар бир кишининг ўз хонадонига мўқобил энергия қурилмасини ўрнатишга қизиқиши ортиши табиий. Тўғри-да, қайта тикланувчи энергия манбаи ҳам арзон, ҳам экологик тоза. Хонадон томига ўрнатиладиган қуёш панели элэс-элэс тараладиган қуёш нуридан ҳам энергия олиб, захирасига тўллаб боради, керак вақтда уни сарфлаб, уй соҳибига беминнат хизмат қилади.

Бундай қурилмаларнинг кўп ўрнатилиши мамлакат иқтисодиётига ҳам фойда. Электр энергия мўқобил энергия манбаларидан олинган сари, табиий манбалар тежаллади. Энергетика тармоқларидаги юктамаларни енглиштириш, аварияларнинг олдини олиш, тармоқлардаги технологик йўқотишларни пайсатириш имконияти ошади. Асосийси, экологик тоза, "яшил" энергияга ўтиш жараёни фаоллашади.

Масалан, Китоб тумани "Янгиобод" массивидаги жами 96 та хонадонга эга 4 та кўп қаватли уйда қуёш панелларини ўрнатиш хисобига йилга 100 минг киловатт соат электр энергияси иқтисод қилинмоқда. Нафақат хонадонлар, балки иқтисодий соҳа объектларида ҳам босқичма-босқич мўқобил энергия ускуналарини ўрнатиш бошланган. Мутасаддиларга келгуси йил Инвестиция дастури маблагларининг қамда 15 фоизини шундай қурилмаларни ўрнатишга йўналтириш топирилди. 2023 йилдан иқтисодий соҳа объектларида қамда 25 фоиз иссиқ сув истеъмоли ва ташқи ёритишни мўқобил энергия хисобидан қоплаш талаби киритилди.

Шамол кўрсаткичлари юқори бўлган ҳудудларда эса шамол генераторларидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Айрим вилоятларда фермерлар ўз боғи ва дала майдонларида шамол генератори ўрнатиб, зарур электр энергияни ушбу қурилма орқали олишни бошлаб юборган.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, сайёраимизнинг шамол энергия салоҳияти жаҳонда ҳозир ишлатилаётган электр энергия ҳажмига нисбатан 30 маротаба юқори. Бу ер юзасига яқин ҳаво қатлами, яъни 100 метр баландликкача шамол энергиясининг имконияти холос. 100 метр ва ундан баландда шамол тезлиги янада кучли ва ундаги энергия берадиган шамол қувватининг имконияти ҳам анчайин катта.

Мамлакатимиз шамол ресурсларига бой ҳудудлардан хисобланади. Ер юзасига яқин ҳаво — 10 метр баландликда эсадиган шамолнинг электр энергия берадиган қуввати юртимизда бир йилда ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг 25 фоизини ташкил қилади. Агар 100 метр баландликкача шамолдан электр энергия олинса, ҳозиргидан каттарок ҳажмда энергия олиш мумкин бўлади.

Бугунги кунда энергия ресурсларига бўлган талаб таркибий жиҳатдан ўзгармоқда, хусусан, углероддор ресурсларидан қайта тикланувчи манбаларга ўтишда водород энергетикасини ривожлантириш долзарб масалага айланган. Энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва водород энергетикасини барқарор ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, соҳанинг илмий салоҳиятини кучайтириш талаб этилади.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун "яшил иқтисодиёт"га ўтишнинг комплекс стратегияси, шунингдек, қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда.

Бугун Ўзбекистон узининг яшил тарққиёт йўлидаги ҳаракати давомид "яшил энергия"ни ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбалари улшини кейинги 10 йил ичида 3 баробарга ошириш орқали углерод нейтраллигига эришишга интиляётир. 2030 йилга бориб мамлакат электр энергиясини икки баробарга, яъни 28 ГВтга кўпайтириш ва электр энергиясининг қамда 25 фоизини ҚТЭМ ташкил этишини таъминлаш учун улкан стратегик мақсадлар қўйилган. Бу кўрсаткичнинг 5 ГВт қуёш энергияси, 3 ГВт шамол ва 2 ГВт гидроэнергетика хиссасига тўғри келади.

Ҳозир Марказий Осиёдаги энг йирик энергия бозорларидан бири бўлган Ўзбекистон ушбу соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш ва мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлаш учун қулай шароитга эга. Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбалари, яъни гидро, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича катта имкониятлар мавжуд. Бу салоҳият мамлакатнинг умумий электр энергияси ишлаб чиқаришнинг 85 фоизини таъминловчи табиий газга қарамлигини камайтириш учун етарли.

## ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

## ОЛТИАРИҚ ТАЖРИБАСИ:

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ  
СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз раислигида жорий йил 7 июнь кунини хизматлар кўрсатиши ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Олтиариқ туманининг янги бир иш тажрибаси намуна сифатида келтирилди. Янги сўнгги икки ойда туманда 1,6 мингта ер участкаси аукционга чиқарилган. Бунинг учун туман ишчи гуруҳи тадбиркорлар билан учрашиб, улар учун мақбул бўш ер участкаларини ажратиб олган, хусусий лойиҳа ташкилотларини жалб қилиб, топографик хариталарни ишлаб чиққан, аукционга чиқариш учун 15 та идора билан 7-10 кунда келишилган.

Эътибор берган бўлсангиз, гап олти кун ичида аукционга чиқарилган 1,6 мингта ер участкаси хусусида кетмоқда. Ваҳоланки, худди шу муддатда мамлакатимиздаги 63 та туман ва шаҳарда аукционга қўйилган ер участкаларининг сони 100 тадан кўп бўлса, 27 тасида 10 тага ҳам етмаган. Шу боис, давлатимиз раҳбари олтиариқликларнинг мазкур тажрибасини юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида жорий қилиш кераклигини таъкидлади.

Шу боис, эндиликда ерларни аукционга чиқариш жараёни ижарада

"Е-Аукцион" орқали савдолга чиқарилиди. Натижада 211 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 400 га яқин иш ўрни яратилди. Қолаверса, бунинг хисобига бюджетга 1,8 миллиард сўм солиқ тушумлари тушиши таъминланади.

Шундай кезде, излаган имкон топади, қаловини топсанг қор ҳа ёнади, деган иборалар бежиз айтилмагани ёдга келади. Лекин очик тан олиш керак, Олтиариқда хизмат кўрсатиш тармоқлари қуриш учун ер ажратиш осон иш эмас. Соҳани ривожлантиришни эса, даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бинобарин, ишбу йўналишда кам харажат билан кўп аҳолининг бандлигини таъминлаш мумкин. Шу боис, Олтиариқда ҳам маиший хизмат уйлари сони кўпайиб бораётти, ишсизлар касб-ҳунарга ўргатилиб, маблағ ва шароит билан таъминланяпти.

Президентимизнинг жорий йил 27 январдаги "Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Унга мувофиқ, соҳага кўплаб енгликлар берилди, имтиёзли ресурслар ажратилди, — дейди Олтиариқ тумани ҳокими Шамсиддин Турдалиев. — Жорий йилда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича туман дастурини ишлаб чиқдик. Қисқа муддатда

## БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Олтиариқ туманида хизмат кўрсатиш тармоқини ривожлантириш учун барча имконият мавжуд. Шу йилнинг ўзида мактабга таълим соҳасида 24 та хусусий таълим ташкилоти фаолият бошлаш орқали 260 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Январь-май ойларида 7 та янги боча ишга тушди, 50 та янги иш ўрни яратилди.

— Ҳозирги кунда 126 та хусусий мактабга таълим ташкилоти фаолият кўрсатяпти, уларга 2280 нафар ишчи-ҳодим ҳамда 12 минг 792 нафар бола қамраб олинган. Туманда болаларни боғчаларга қамраб олиш даражаси 80,6 фоизга етди, — дейди Олтиариқ тумани давлат мактабга таълим ташкилоти раҳбари Холмисхон Апандиева. — Йил якунига қадар яна 17 та давлат хусусий шеркчилик ҳамда оилавий ва нодавлат мактабга таълим ташкилоти ташкил этилиши хисобига 210 та янги иш ўрни очилади, уларга 1 минг 670 нафар бола қатнай бошлайди. Натижада қамров даражаси 86,4 фоизга етади.

Шунингдек, "Тикланиш ва тараққиёт" жамғармаси кредит ресурслари хисобидан 16 та лойиҳа шакллантирилиб, бу мақсадлар учун 17,5 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди. Бугунги кунгача бу йўналишда 15,5 миллиард сўмлик 14 та лойиҳа ишга туширилиб, 164 та янги иш ўрни яратилди.

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Фарғона вилоятида кейинги 5 йилда хизматлар соҳаси ҳажми 170 фоизга ўси, аҳоли жон бошига хисоблаганда эса 2,1 миллион сўмдан 4,6 миллион сўмга ошиди. Айни кунда бу йўналишда фаолият кўрсатаётган корхоналар 24,8 мингтага етди ва қарийб 3 триллион сўмлик миндан ортқ инвестиция лойиҳалари ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 12-13 май кунлари вилоятимизга ташрифи давомида хизматлар соҳасини ривожлантириш борасида бир қатор долзарб масалаларнинг аниқ ечимини топиб берди, — дейди Фарғона вилояти иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Абдурашул Рўзиев. — Хусусан, Фурқат туманида деҳқон бозори, истироҳат боғининг йўқлиги аҳолини узоқ йиллардан буйн қийнаб келаётган муаммолардан бири эди. Бу масалалар ижобий ҳал этилиб, "Кўкюн — Жизнас А-376" халқаро йўл буйида жойлашган 19,8 гектар ер майдон ажратиб берилди.

Транспорт хизматини ривожлантириш борасида "Қамчиқ" довини орқали 15 ўрингача бўлган янги микроавтобус йўналишини очилишига рухсат берилди. 1 октябрга қадар 110 та автобус олиб келиш ҳамда 30 та янги автобус йўналишларини ташкил этиш масаласи ҳал этиладиган бўлди. Шунингдек, вилоятга ҳорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқими ортишини хисобга олиб, халқаро ва ички парвозлар сонини кўпайтириш чоралари кўриломоқда. Аҳолиси 300 мингдан кам бўлган, хизматлар соҳаси ривожлантириш бораётган туманларда савдо, маиший хизмат, овқатланиш, табиий хизмат ва техник хизмат кўрсатиш каби мажмуаларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Амалга оширилаётган дастур доирасида январь-апрель ойларида соҳанинг барча йўналишида 60,8 мингта иш ўрни яратилди.

Вилоятда мазкур йўналишини янада ривожлантириш, иқтисодиётдаги улшини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Халқаро молия институтлари маблағлари хисобидан 170 миллиард сўм ажратилиши белгиланган. Бу маблағлар хисобига 137 та лойиҳанинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Уларнинг ишга туширилиши хисобига 1,3 мингта янги иш ўрни ташкил этилади.

Сирасини айтганда, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар аҳоли фаровонлигини ошириш, оғирини енгли, узогини яқин қилиш имкониятини бермоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,**  
**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**  
**"Янги Ўзбекистон" мухбирлари**



— 48 кундан 15 кунга, мулк ҳуқуқида — 74 кундан 20 кунга қисқартирилади. Ер майдонларини баҳолаш экспертизадан ўтказилмайди, ҳақиқий баҳо-си аукционда аниқланади. 2023 йил 1 январдан бошлаб ерларни аукционга чиқаришда кадастр идораларида бор маълумотларни бошқа идоралар билан келишиш тартиби бекор қилинади. Бунда, жавобгарлик кадастрга маълумот тақдим этмаган идора раҳбарига юкланади.

### РЕЖАЛАР ХАЛҚАРО ТАМОЙИЛЛАРГА МОС БЎЛИШИ КЕРАК

"Бундан кейин янги ер майдонларини аукционга чиқаришдан олдин, ҳудуд ривожланишининг аниқ режасини тузиб олишимиз зарур. Кўплаб ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганганимизда, бирорта мамлакатда ер майдонларини режасиз бериб юбориш мумкин эмаслигига гувоҳ бўлдик. Олдин аниқ ҳудуд танлаб олиниб, унинг "мастер-плани" ишлаб чиқилади. Қаерда уй, қаерда мактаб, қаерда ишлаб чиқариш бўлиши аниқ белгиланиб, инфраструктура олиб келиш режаси тузилади. Шундан кейингина ер участкалари аниқ лойиҳа билан савдога чиқарилади."

Бу фикрларни Президентимиз ўтган йил август ойида тадбиркорлар билан учрашувда айтган эди. Ана шу вазифа ҳозир қатори хизмат кўрсатиш йўналишининг ҳам ривожланишига имконият яратяпти.

Масалан, мавжуд ноқишлоқ ҳужалк ерлари синчқлаб ўрганилганда, Олтиариқ тумани ҳудудидан ўтувчи Тошкент-Уш А-373 халқаро автомобиль йўли буйида 1,8 гектар бўш ер аниқланди. Бу 211 та лотларга (ўртача 80-100 квадрат метрдан) ажратилиб,

373 та лойиҳани амалга ошириш хисобига 4 мингта янги иш ўрни яратишни мақсад қилганмиз. Шу кунга қадар сервис ва хизматлар соҳасида 3 мингта яқин аҳоли бандлиги таъминланди.

Олтиариқ туманининг ўзига ҳос хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама қулай бўлган Ўзбекистон ва Мустақиллик қўчалари савдо-сервис марказига айлантирилмоқда. Ушбу қўчаларда туну кун ишлайдиган тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, савдо-сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган 34 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу бир вақтнинг ўзида 700 дан ортқ янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

## УЗОҒИМИЗ ЯҚИН БЎЛДИ

Бозорбоши маҳалласида "Мирзасул боғи" фермер ҳужалиги ташаббуси билан ўз маблағи хисобидан қиймати 11,7 миллиард сўм бўлган 4 қаватли савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 200 нафардан ортқ маҳалла ёшлари бандлиги таъминланмоқда.

— Бундан икки-уч йил илгари олдин сартарос хизматидан фойдаланиш ёки гугурт харид қилиш учун туман марказига боришга мажбур эдик, — дейди меҳнат фаҳрийси Абдувахоб Азимов. — Бугун маҳалламизда барча савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ташкил этилган оғиримизни енгли, узогимизни яқин қилмоқда. Айни кунда маҳалламизда савдо дўкони, қассобхона, дорихона, умумий овқатланиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, эшик ва ром устaxonаси фаолиятини йўлга қўйилган.

Аҳамиятли жиҳати, янги савдо маркази "Бозорбоши" МФЙга туташ бўлган Узумчи, Чинортаги, Полосон, Олтиариқ, Қумиричи маҳаллаларидаги 20 мингдан ортқ аҳолига хизмат қилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Бахтияр МЕНГЛИБЕКОВ,  
Мўйноқ тумани ҳокими**

ислохотлар моҳияти ҳар бир туман ва қишлоққа, ҳатто олис ва чекка ҳудудларгача етиб боришини таъминлаш тизими яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман ҳокимлиги 127 та қонунчилик ҳужжати ижросини ташкил этиш борасида туман ҳокимининг 116 та, Халқ депутатлари туман кенгашининг 97 та қарори қабул қилинди. Келиб тушган фармон ва қарорлар моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида маҳалла ва овулларда 64 марта учрашув ва тақдиротлар ўтказилди.

Ўтган беш ой давомида 12 та туман ташкилотларида мақсадли ўрганишлар ўтказилиб, камчиликларга йўл қўйган 20 дан ортиқ масъул ходимга нисбатан интизомий чора қўрилди.

Туман ҳокимларининг ҳудудни ривожлантириш бўйича ўз дастурлари ва уларнинг ижроси тўғрисида Халқ депутатлари вилоят кенгашида ҳисобот бериши йўлга қўйилган ҳокимларнинг халқ олдидagi масъулиятини янада оширди.

Ҳокимларнинг фармонлар, қарорлар, концепция ва стратегияларда белгиланган индикаторлар ва мақсадли параметрлар ижроси бўйича ўз ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб бориш тизими жорий этилган ҳам маҳаллий ижроия

шиш, томорка еридан самарали фойдаланиш борасида яратилган имкониятлар, берилган имтиёзлар тўғрисида тушунтирилганда ҳар бир фуқаронинг тадбиркорлик қилиши интилишини, ҳеч бўлмаганда бирон касб ўрганишга бўлган иштиқини қўриб, бу тизимнинг нақадар тўғри жорий қилинганига ишонч ҳосил қилдим.

Инсон кадрини улуғлашга йўналтирилган ислохотларимиз марказида, фаол маҳалла тизими орқали халқимизни рози қилиш гоёси турибди. Биз айнан маҳаллага бориб, ҳар бир оила, ҳар бир одамни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал этишни йўлга қўйсак, шундагина аҳолининг ҳаёти яхшиланади. Чунки пастда — маҳаллада ечилмаган муаммолар хали жуда кўп. Шунинг учун ҳам бугун янги “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилган барча қўйи бугун раҳбарлари фаолиятида ўз самарасини бериб келмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ туманимиздаги 12 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчилари ўз фаолиятини бошлади.



**Бошланиши 1-бетда**

Қолаверса, Президентимиз кейинги йилларда туманимизга 3 маротаба ташриф буюриб, аҳоли билан учрашиб, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги муҳим устувор вазифаларни белгилаб берди. Шунингдек, 2019 йилги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам Мўйноқ туманида барча зарур инфратузилмаларга эга бўлган замонавий шаҳарча бунёд этишни алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Бугунга келиб белгилаб берилган топшириқларнинг аксарияти ижроси тўлиқ таъминланиб, туманимиз аҳолиси турмуш шароити кескин яхшиланди. Президентимиз 2017 йил январь ойида Қорақалпоғистонга ташрифиди Мўйноқ тумани аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳасини эълон қилди. Беш ой давомида 100 километрдан ортиқ масофага ичимлик сув тармоғи тортилди, туманимиз аҳолиси тўлиқ тоза ичимлик сув билан таъминланди.

Бу Мўйноқда бошланган лойиҳаларнинг деб-бечаси бўлса, бугунги кунга келиб, Мўйноқ аэропорти тўлиқ қайтадан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Туман марказида ўнлаб кўп қаватли уйлар қурилди. Озиқ-овқат, енгил sanoat ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида бир қатор йирик sanoat корхоналари ишга туширилиб, аҳолимиз бандлиги таъминланди.

2018 йилда Орол денгизининг қуриган тубини ўрмонзорга айлантириш ишлари бошланди ва шу кунга қадар 1 миллион 700 минг гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилди.

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадидаги навбатдаги ташрифи ҳам айнан Мўйноқ туманидан бошланди.

Ташриф давомида олдин берилган топшириқлар ижроси билан танишилди. Шунингдек, амалга оширилаётган ишлар юзасидан Бош вазир ўринбосари, вазирлар сектор раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш — бу менинг назаримда ижро интизомини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими.

Президентимизнинг жорий йил 23 февралдаги ташрифи давомида Мўйноқ аэропортида маҳаллий аҳоли, туман фаоллари, нурунийлар, ёшлар, ҳоким ёрдамчилари билан бўлган учрашувлар давомида ҳам бунга яна бир бор ғувоҳ бўлдим.

Шундай экан, ижро органининг қўйи бугун раҳбарлари сифатида биз ҳам давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар, берилган топшириқлар ва олдимишга қўйилаётган ҳар бир вазифа моҳияти аҳолимизга, айниқса, энг чекка ҳудудларгача кириб боришини таъминлашимиз шарт ва зарур.

Бу борада кейинги йилларда республикаимизда самарали тизим яратилди. Хусусан, қонунчилик ҳужжатлари ижросини назорат қилиш тизими ва бу борадаги ёндашувларни такомиллаштириш, вазифа ва топшириқлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишнинг таъсирчан механизмлари жорий қилинди. Ҳар бир топшириқнинг ижро этилганини қозғашга қараб эмас, эришилган пировард натижа билан баҳолаш механизмлари, шунингдек, қонун, фармон ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этиш орқали амалга оширилаётган



ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтирди.

Эндиликда оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб бориш учун Медиа-режа асосида Халқ депутатлари кенгашида тасдиқлаб, ҳар галги ҳисобот олдидан жиҳдий тайёргарлик қўрган ҳолда ахборот бериб бормоқдамиз.

Тан олиш керак, қонунчилик ҳужжатлари ҳар бир хонадонга кириб боришини ҳамда натижаси уларнинг турмуш шароитида акс этишини таъминлашда Президентимиз ташаббуси билан маҳалларда янги ташкил этилган ҳоким ёрдамчиси, ёшлар вакили, хотин-қизлар фаоли институтларининг ўрни катта бўлмоқда.

Бир мuddат ҳоким ёрдамчиси лавозимида фаолият юритганим сабабли бу жараёнда шахсан ўзим иштирок этганман. Ҳар бир хонадонга кириб, республикаимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, касбга ўқитиш, тадбиркорлик қилишга кўмак-

Туманимизда бугунги кунда 5 минг 333 та хонадонда 33 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб келмоқда. Ҳоким ёрдамчилари томонидан барча хонадонлар тўлиқ халтовдан ўтказилди. Урганишлар натижасида ҳар бир фуқаролар йиғинининг “ўсиш нуқталари” ва “драйвер соҳалари” аниқланди. Хусусан, туманда балиқчилик, чорвачилик, туризм соҳалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш “драйвер соҳалар” сифатида белгилаб олинди.

Шунингдек, ҳудудларда аниқланган муаммо ва тақлифлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда ажратилган ресурслар асосида 100 дан ортиқ тадбирни ўз ичига олган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Бугунги кунга келиб, ҳоким ёрдамчилари томонидан мингдан зиёд аҳоли бандлиги таъминланди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури асосида ҳоким ёрдамчилари томонидан 221 фуқарога тавсиянома бериш орқали 4 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилишига эришилди.

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида 12 фуқарони касб-хунарга ўқитиш, 50 нафарини кооперативга аъзо қилиш учун 215 миллион сўм маблағ ажратилди. Овул ва маҳаллаларда ободонлаштириш ишларини олиб бориш учун 354 ишсиз фуқаро жамоат ишлари билан қамраб олинди.

Қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини энг олис қишлоқларда ҳам ташкил этиш, ҳар бир хонадонга кириб боришини таъминлаш бўйича ишларни давом эттирган ҳолда жорий йил якунига қадар яна 2 мингдан зиёд ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўрилди.

Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ёшлар билан ишлашнинг янги башқарув механизмларини жорий этишда, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратишда, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этишда, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги барча 12 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғинида ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Бугунги кунда туман аҳолисининг қарийб 44 фоизини ёшлар ташкил этади. Ишлаб чиқилган “Ёшлар баланси” ва ўтказилган сурвонмалар натижасида ҳар бир маҳалла, овул бўйича “Йўл хариталари” ҳамда туман бўйича ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга доир Ёшлар дастури ишлаб чиқилди.

Туманимиз 5 та устувор йўналишдан иборат чора-тадбирлар дастурига, жами 97 та тадбир киритилиб, ҳар бир лойиҳа “маҳалла — сектор — туман — вилоят-республика” босқичида амалга оширилмоқда. Тадбирлар орқали 16 минг йилгит-қиз қамраб олинди, ушбу мақсадларга 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Президентимизнинг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла

ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида оила ва хотин-қизлар муаммоларига тизимли ечим топиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Мўйноқ туманида ҳам ҳоким ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи лавозими жорий этилди.

Шунингдек, фармон билан тумандаги 5 та маҳалла ҳамда 7 та овул фуқаролар йиғинида хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилган ҳам оила ва хотин-қизлар билан ишлаш борасида қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг маҳаллалардаги ижросини ташкил этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотлар ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш фаолиятимизнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолиши керак. Айниқса, халқимизнинг ҳокимликкача мурожаат қилиб келишини кутмасдан, бевосита жойига чиққан ҳолда сайёр қабуллар ташкил этиляпти. Бу — Тошкентдан 1 минг 400 километр, Қорақалпоғистон Республикаси маркази Нукус шаҳридан 220 километр узоқда жойлашган Мўйноқ туманида аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг энг самарали усули ҳисобланади.

Жорий йилда туманимиздаги мавжуд 12 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғинининг ҳар бирида камидан 2 мартадан сайёр қабул ўтказилиб, 560 дан ортиқ фуқаронинг муаммоларини жойида ҳал қилиниши таъминланди.

Ҳар бир қонунчилик ҳужжатининг ижроси туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, аҳолимиз фаровон ҳаёти ҳамда бандлигини таъминлашга хизмат қилади. Энг асосийси, улар ижросини аҳоли ўз кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда.

Хулоса ўрнида давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларини кептирмоқчиман: “Халқ билан узлуксиз мулоқот ва инсон манфаатлари учун хизмат қилиш, барча даражадаги раҳбарлар учун нафакат мажбурият, балки ҳаётий тамойилга айланиши шарт”.

**БУНЁДҚОРЛИК**

**Бошланиши 1-бетда**

Ҳозир ёши етмишга яқинлашиб қолди. Бир оз зерикиб шаҳардаги қариндошлариникига меҳмонга борди. Икки кун шаҳарда қолиб, қишлоғига тунда қайтди.

Эрта тондан туриб кўча айланганини чиқди. Бир оз одимлаб, адашиб қолган одам каби безовта бўлади. Катта йўлнинг икки четида қурилиш ишлари бошлаб юборилган, деярли вилоятнинг барча қурувчилари қишлоққа ҳашарга келган.

Қамаши маҳалласи Касби тумани марказидан бир оз олисда. Ростини бу маҳаллани қишлоқ эмас, шаҳарча деб аташа ярашади. Боиси, ўтган 2021 йилда қишлоқда “Обод маҳалла” Давлат дастури асосида улкан ишлар олиб борилди. 2022 йилда ҳам бунёдкорлик ишлари давом эттирилди. Жумладан, маҳаллага элтувчи катта йўл бўйида 40 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди.

Электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар ҳал этилди. Сақиз километрдан ортиқ ички йўлларга асфальт, 18 километрдан зиёд қисмига қум-шағал ётирилди. Маҳалладаги эски бино таъмирланиб, кўркам маҳалла марказига айлантирилди. Иккита мактаб тўлиқ таъмирланиб, жиҳозланди. Қишлоқ врачлик пункти биноси замонавий қиёфага келтирилди.

**Маҳаллада бекорчилик бегона**

— Жорий йилнинг январь ойида иш бошлашим билан аҳолини халтовдан ўтказдим, — дейди “Қамаши” маҳалла фуқаролар йиғинига бириктирилган ҳоким ёрдамчиси Азмидин Аламов. — Маҳаллаимиз ҳудудида 1071 та хонадон мавжуд бўлиб, жами 6100 нафар аҳоли истиқомат қилади. Хатлов жараёнида 308 нафар киши ишсизлиги аниқланди. Дастлаб уларни иш билан таъмин-

# КўНГИЛЛАРГА КўЧГАН ОБОДЛИК

## ёхуд шаҳарга менгзалган қишлоқ

лашга киришдим. “Обод маҳалла” дастури доирасида бунёд этилган турли хизмат кўрсатиш йўналишидаги савдо шохобчаларига 30 нафар кишини, шунингдек, маҳаллаимиз яқинида фаолият олиб бораётган иссиқхонага тадбиркор билан келишган ҳолда йигирма нафар хотин-қизини ишга жойлаштирдик. Шаҳарча туманида фаолият олиб бораётган тадбиркор билан келишган ҳолда ҳозир яна 180 нафарга яқин хотин-қизларни касаначилик асосида ўз уйларида иш билан банд этмоқчимиз. Шунингдек, хонадонларга 100 тадан товуқ тарқатилди. Субсидия асосида инкубатор ҳам олиб берилди.

Бугун маҳаллани айланиб ободликни кузатар экансиз, бекор ўтирган кишини топиш мушкул. Бу эса бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан иш бошланган ҳоким ёрдамчиларининг ҳаракатлари натижаси. Энг асосийси, одамлар даромад топаётганидан мамнун. Оиласи тинч, рўзғори фаровон бўлмоқда.

**Қадриятлар бардавом**

Маҳалла марказидаги эски бино таъмирланиб, замонавий спорт зали ишга туширилди. Бугунги кунда ўттизга яқин қизлар бадий гимнастика тўғрақларига қатнашмоқда. Шаҳмат-шашка машғулотларида эса йигирмага яқин ўғил-қиз машғул. Шунингдек, бинода тадбирлар ўтказишга мўлжалланган зал ҳам мавжуд. Бу эса, маҳаллада маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда кўл келмоқда. Марказнинг

юқори қаватида эса шинам кутубхона жойлашган.

— Кутубхонанинг очилиши аҳолимиз учун айни мuddао бўлди, — дейди Ноила Бердиева. — Боиси одамларимизнинг китобга қизиқиши юқори. Ҳозирда масканимизда беш мингга яқин бадий адабиёт бор. Маҳаллаимизда кексалар орасида китобхонлик бўйича ўзаро баҳслар ташкил этилади. Қим кўп китоб ўқигани мунозара жараёнида аниқланади. Бунинг гувоҳи бўлган ёшлар ҳам китоб ўқишга ҳаракат қилади.

Қишлоқда гиламчилик азалий касблардан бири. Қўл меҳнати билан тўқилган бежирим гиламлар ҳар қандай кишининг ҳавасини оширади. Бугун марказда ана шу қадриятлар бардавомлигини сақлаш мақсадида гиламдўзлик тўғраги ташкил этилган. Ҳозирда ўндан ортиқ қишлоқ қизлари ёши улғу моллардан қадимий гилам тўқиш сирларини ўрганмоқда.

— Бу ерга мени ҳам ёшларга гилам тўқишни ўргатасиз, дея тақлиф қилинди, — дейди Зебо момо Ҳамроева. — Қишлоғимиз азалдан ўзининг чиройли, сифатли ва чидамли гиламлари билан машҳур бўлиб келган. Шунингдек, хуржун ҳам кўлда тўқилган. Ҳеч бир ускуна ишлатилмаган. Табиий қўй жүнидан тайёр ил қилиниб, кейин дастгоҳда ишлов берилган.

— Азалдан ҳар бир хонадонда хуржун бўлган. Қизлар турмуш қуришдан аввал кувёга янги хуржун совға қилинган. Уни кувё елкасига ташлаб, тўйнинг эртасига бозорга чиқиб, бозорлик қилиб келган.



Елкасига ола хуржун тушибди, деган гап шундан қолган бўлса, ажабмас.

Зебо момо ёш қизларга унутилаётган анъаналарни, эртагу ривоятларни сўзлаб бериб, халқ озаки ижодини ёш авлод вакилларига етказишга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— Жорий йилнинг 21-22 апрель кунлари Президентимиз Қашқадарёга ташрифи давомида маҳаллаимизда ҳам бўлиб, туманимизда ўзига ҳос гиламчилик ва кулполчилик мактабларини ташкил этиш борасида топшириқлар берганди, — дейди “Қамаши” маҳалла

фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Фарход Махматрасулов. — Ҳозирда гиламдўзлик устоз-шогирд мактабини ташкил этганимиз. Бу эса, ёшларимизни хунарга ўргатиш билан бирга, бўш вақтларда даромад топишларига ҳам имконият яратмоқда.

**Маҳалланг тинч, уйинг тинч**

Кейинги уч йилда маҳаллада бирор марта жиноят содир этилмагани ҳам

аҳоли ўртасида, оилаларда таълим-тарбия, муносабатлар фақат яхшилик сари етаклаётганидан дарак беради. Турли миллат вакиллари яшайдиган бу ҳудуд азалдан аҳил-иноқ яшаб, борди-келди, қуда-андачилик яхши йўлга қўйилган. Албатта, бирдамлик натижасида бугун манзил тинч ва осуда. Одамлари фаровон яшамоқда.

— Ростини, маҳаллаимиз шу даражада обод бир масканга айланади, деб ўйламангандик, — дейди Аборот ота Турсунов. — Қўриб кўз қунавайди. Шундай масканда яшаётганимизга шукрларимиз айтаман. Барча ҳавас ила боқмоқда. Асосийси, одамларнинг кўнгли хотиржам. Бир пайтлар аҳолини турмуш тарзи билан биров қизикмасди. Бирор киши ҳолинг не, деб сўрамаган. Бунинг учун энг аввало Президентимизга раҳмат. Шу ерга ташриф буюриб, ҳолимиздан хабар олди. Қилинган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, одамларнинг дардига қўлоқ тутди. Ҳозир, ишонасизми, юртимиздаги барча вилоятлар биздан намуна олиб кетяпти, десам муболага бўлмайди. Обод маҳаллани қандай қилиш лозимлигини келиб ўрганмоқда. Демак, маҳаллаимиз бугун мамлакатдаги энг намунали маҳаллалардан бири. Мен шу боис, ёшларни Ватанини севиш, қилинган ва қилинаётган ҳар бир ишнинг қадрига етишга ундайман.

Албатта, бугун Касби туманидаги Қамаши маҳалласи нафакат вилоятда, балки республикадаги энг намунали ҳудудлардан бири ҳисобланади. Буни маҳаллани ўрганишга келаётган бошқа вилоятлардаги меҳмонларнинг ташрифидан ҳам англаш мумкин. Бу бунёдкорликлардан улги олаётган одамлар келгани эса барчамизга фойда. Боиси, файзли ишни ўрганган одам эртага қайдадир буни тарғиб қилиши аниқ.

**Акбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## МУНОСАБАТ

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Шарофиддин НАЗАРОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий  
ислохотлар қўмитаси раиси,  
Конституциявий ислохотлар комиссияси аъзоси,  
иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

КАМОЛОТУ МАРТАБА  
ҚОМУСИ

Буюк бобомиз Амир Темури сиёсат ва дипломатия, ҳарбий иш, давлатни иқтисодий бойитиш ва ижтимоий тараққиёт эътириши, дину динён ва адолатни қарор топтириш, салтанат ишларини амалга ошириш борасида узқоқи кўзлаб иш тутганини “Темури тузуқлари” асаридан аниқ кўришимиз мумкин ва бу асар қомусий тавсифга эга бўлган, десак, айни ҳақиқат. Ушбу нодир асар устида тадқиқот олиб борган олимларимиз мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда, айтиш мумкин, ушбу ёдгорлик ўша давр фалсафасидан келиб чиқиб, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларда янги тартиб ва қоидаларни белгилашнинг ҳаётий зарурати эди.

“Темури тузуқлари” замон зарурати ва талаби билан салтанатни янги тартибда, давлат бошқарувини раиятнинг манфаатларидан келиб чиқиб амалга ошириш тамойиллари, тартиб-таомилни белгилаб берувчи асар бўлган. Чунки кўп заҳматларни бошдан кечирган халқ буюк Темури ҳукмдорлиги даврига келиб юзага келган сиёсий ва иқтисодий вазиятда, Низомиддин Шомий таъбири билан айтганда, “камолоту мартабаларга ўзининг етук саъй-ҳаракати ва жиҳду жаҳди билан эриштиш”га азму-қарор қилинган. Шу аснода инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, миллий қадриятларга амал қилиш, маънавий бойликларимизни орттириб боришни белгиловчи таълимий яратилган. Умуман олганда, “Темури тузуқлари” ўзбек давлатчилиги тарихидаги Иккинчи Ренессанснинг ҳуқуқий манбаси бўлиб хизмат қилган.

## ЯНГИ ДАВР ТАЛАБИ

Президентимиз нутқида билдирилган ҳар бир тақлиф бугунги реал ҳолат, ҳаёт билан боғлаб тушунирилиб, чуқур асослаб берилди. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида кенг қўламли ислохотларни амалга оширишнинг аниқ мақсад ва вазифа-

66

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎТган беш йилда қарийб 500 мингта янги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган, биринчи марта аёллар ва ёшларга, эҳтиёжманд оилаларга субсидиялар ажратилиш тизими йўлга қўйилган. 2022-2026 йилларда эса реновация ва уй-жойлар дастурлари доирасида шаҳарларда маънавий эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жойлар барпо этилиши, бунинг ҳисобидан 275 мингдан зиёд оила янги массивларга кўчиб ўтиши маълум қилинди.

лари белгилангани мамлакатимизда инсонпарвар, ҳуқуқий, демократик давлат қуриш борасида том маънода янги давр, шарт-шароитларга мос янги конституциявий асослар яратиш ҳамда қонунчилик базасини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу маънода, Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислохотларимиз мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустақкам ҳуқуқий пойдевор яратиш мумкин вазифага айланмоқда”.

Фуқароларнинг муносабатлари билан ишлаш, халқ билан мулоқот жараёнлари кўрсатдики, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида мустақилликка эришилгандан кейинги чорак аср давомида қўлаб муаммолар тўпланиб қолган эди. Хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, тиббиёт ва таълим соҳаларида қўлаб муаммолар юзага келди. Шунингдек, мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузига ўта салбий таъсир кўрсатди, шисизлик ва камбағалликнинг ҳақиқий ҳолати кенг жамоатчиликка ошқор этилди.

Кейинги 5-6 йил ичида юқоридаги муаммоларни бартараф этиш борасида мамлакатимизда кенг қамровли



ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида эҳтиёжманд қатламни уй-жой билан таъминлаш йўналишидаги натижалар ҳақида мисол келтирди. Мамлакатимизда ўтган беш йилда қарийб 500 мингта янги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган, биринчи марта аёллар ва ёшларга, эҳтиёжманд оилаларга субсидиялар ажратиш тизими йўлга қўйилган, 2022-2026 йилларда эса реновация ва уй-жойлар дастурлари доирасида шаҳарларда маънавий эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жойлар барпо этилиши, бунинг ҳисобидан 275 мингдан зиёд оила янги массивларга кўчиб ўтиши маълум қилинди.

Бу натижаларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Президентимизнинг ҳамжўрлиги, талабчанлиги туфайли муҳтожларга енгилликлар яратилган ҳолда давлат ёрдами билан янги уй-жойлар берилляпти. Бу ишлар ҳудудларда ҳар доим барвақо бўладими, деган савол ўта долзарб. Шу нуктаи назардан, Конституциямизда фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини кафолатлаш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, муҳтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича давлат мажбуриятларини мустақкамлаш зарурлиги ҳақидаги тақлиф муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, ижтимоий ҳимоя йўналишида кейинги йилларда бир қанча муҳим қонунлар қабул қилинди, қонунчилик базаси такомиллаштирил-

66

КОНСТИТУЦИЯНИНГ 13-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, ИНСОН, УНИНГ ҲАЁТИ, ЭРКИНЛИГИ, ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА БОШҚА ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ҲИСОБЛАНДИ. ЛЕКИН ИНСОННИНГ ШАЪНИ, ОР-НОМУСИ ДАХЛСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ, ИНСОННИ КАМСИТИШ, ОБРУСИЗЛАНТИРИШ, ҲАҚОРАТ ҚИЛИШ, ТАҲҚИРЛАШ КАБИ ҚОНУНГА ЗИД ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР ЖАМИЯТИМИЗДА УЧРАБ ТУРГАНИ ХАЛҚИМИЗНИ БЕЗОВТА ҚИЛАЁТГАН МАСАЛАЛАРДАН БИРИ ЭКАНИНИ КЕЛИБ ТУШАЁТГАН ТАҚЛИФЛАРДАН АНГЛАШ МУМКИН.

“Ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизимлари хотин-қизлар, ёшлар, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида самарали тизимга айланмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга, уларга жамият ва давлат ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этиши учун шароит яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятини кенгайтиришга қаратилган чоралар қўришнинг Конституцияда белгилаб қўйилган. Бу “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга кенг йўл очди. Чунки ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш шароити учун замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш бериш, шахснинг қонун билан қўриқланадиган шаъни, қадр-қиммати ва мулк ҳуқуқи қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилинишини кафолатлаш борасида амалдаги қонунлар такомиллаштирилиши давр талабига айланиб бўлган.

ИНСОН ШАЪНИ ВА  
ҚАДР-ҚИММАТИ —  
ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Инсон қадр-қиммати, унинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида билдириладиган тақлифлар Конституциявий комиссия аъзоларининг алоҳида эътиборида турибди. Бу борада одил судловни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган тақлифларга комиссия томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслиги ҳамда судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши бўйича тушган тақлифлар ҳуқуқшунос олимлар томонидан асослаб берилди.

Конституциянинг 13-моддасига мувофиқ, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Лекин инсоннинг шаъни, ор-номуси дахлсизлигини таъминлаш, инсонни камситиш, обрусизлантириш, ҳақорат қилиш, таҳқирлаш каби қонунга зид хатти-ҳаракатлар жамиятимизда учраб тургани халқимизни безовта қилаётган масалалардан бири эканини келиб тушаётган тақлифлардан аниқлаш мумкин. Шуларни инобатга олган ҳолда, айбдорликка оид барча шубҳалар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган тақдирда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги мутахассислар томонидан етарлича асослаб берилди. Шунингдек, ҳеч бир шахс қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз

ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазага дучор этилиши мумкин эмаслиги тақлиф этилади. Ҳеч бир шахс ўзига, ўз турмуш ўртоғига ва қонунда белгиланган яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги оид тақлифлар қўриб чиқилмоқда.

ҲИМОЯ  
ИНСТИТУТЛАРИНИ  
МУСТАҚКАМЛАШ ЗАРУР

Конституциянинг 27-моддасига биноан, ҳар қим ўз шаъни ва обрусига қилинган таъвозулардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Шаъни инсоннинг қадр-қиммати, обрусизлантириш, муҳофаза қилиниши аниқлаш экан, уни ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий, жисмоний-ҳуқуқий ва фуқаровий-ҳуқуқий ҳимоя институтларини мустақкамлаш борасида тақлиф ва тавсиялар билдирилмоқда. Мана шундай ҳимоя институтларидан бири сифатида адвокатурани қўридан бўлса, ушбу тизимни ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида қонунчиликка бир қанча ўзгаришлар киритилди. Шунга қарамадан, суд ишини юришнинг барча босқичларида томонлар тортишуви принципнинг лозим даражада ишлаши ташкил этишда адвокатурани институтнинг ролини ошириш зарурати сақланиб қолмоқда.

Адвокатура одамлар ишончини қозонган ҳуқуқий ҳимоя қилувчи институтга айлиниши учун Конституцияда суд ва прокуратура тизими сингари адвокатура тизимига оид бир қанча моддалар киритилиши тақлиф қилинмоқда. Хусусан, адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланиши, унинг касбий фаолиятига ўки бу тарзда бевосита ёки бевосита аралашши, унга бирор-бир шаклда таъсир ўтказишга йўл қўйилмаслиги оид тақлифлар ўрганилмоқда. Шунингдек, ҳар бир шахс ўз танловида кўра ва жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганда эса, унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқий амалда чекланган пайтдан бошлаб адвокат олий ҳуқуқига эга бўлиши, ушланган, айбланган, судланган ва ҳукм қилинган шахсга адвокат билан тўққонлиқ ва холи учрашувлар ҳамда маслаҳатлашувлар учун зарур шарт-шароитлар таъминлаш масаласида амалиётчилар, мутахассис ва экспертлар фикрлари ўрганиляпти.

Президентимизнинг конституциявий ислохотлар бўйича илгари сурган, шунингдек, кенг жамоатчилик ва олимлар томонидан қўлаб-қувватланаётган тақлиф-ташаббуслари миллий давлатчилигимиз тарихида инсон ўрни, қадри ва аҳамиятини оширишга асос бўлади. Умуман, конституциявий ислохотлар жараёнидан аниқлаш мумкин, мамлакатимизда Учтинчи Ренессанснинг конституциявий-ҳуқуқий манбаси яратилляпти. Давлатимиз раҳбари илгари сурган, халқимиз қўлаб-қувватлаётган ислохотларнинг марказида инсон турибди. Ренессанс марказида ҳам ҳар доим инсон туради.

## АНЖУМАН

Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Конституциявий комиссия иш режасига биноан Урганч шаҳрида “Инсон — жамият — давлат” конституциявий тамойилни амалга ошириш: миллий ва хорижий тажриба” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТ  
МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО  
ҲАМЖАМИЯТ МУҲОКАМАСИ  
ВА НИГОҲИДА

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, “Барқарор ривожланиш маркази” ННТ, ЎзРФА Давлат ва ҳуқуқ институти, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси кўмағида ташкиллаштирилган тадбирдан асосий мақсад “Давлат — инсон учун”, “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилади”, деган тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича қилғў тажрибаларни ўрганиш,

мушунини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Халқаро анжуманнинг пойтахтда эмас, Хоразмда ўтказилиши ҳам ҳудудларда яшайдиган аҳоли фикрини кўпроқ билиш ва инобатга олиш имконини беради. Масалан, юртингизда ёшларга катта эътибор қаратилиб, кенг имкониятлар яратилаётганини кўриш мумкин. Буни жойларда бўлиб янада яққолроқ билиб олдик. Энг асосийси, ёшлар ва хотин-қизларнинг ислохотларга ва уларнинг натижасига бўлган ишончи кучайган.

Халқаро конференцияда мамлакатимизда барча соҳалардаги кенг қамровли ва шиддатли демократик



уларни конституциявий қонунчилик ҳамда амалиётда мустақкамлаш борасида асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш эди. Бунда асосий эътибор инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият эканига қаратилди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда 30 дан зиёд хорижий мамлакат, халқаро ташкилотлар, мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари, депутатлар, Конституциявий комиссия аъзолари, ҳуқуқшунос олимлар, академик ҳамжамият, сиёсий партиялар ҳамда фуқаролик жамияти институти масъуллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар асосий ташаббускори том маънода мамлакат фуқаролари, унинг бош гоёвий илҳомланувчиси — Президентимиз ва янги Ўзбекистонни қуриш, Учтинчи Ренессанс пойдеворини шакллантириш сиёсати.

Бугунги кунда фуқароларимиз орзу-си, эзгу истаги, олий мақсади бўлган инсонпарвар ва адолатли, эркин ва демократик, оқод ва фаровон янги давлатни қуриш гоёси Ўзбекистон халқи қалбидан чуқур жой олиб, уни ҳаётга татбиқ этиш умуммиллий ҳаракатга айланб улгургани алоҳида эътироф этилди. Энг муҳими, халқимиз дунёқарашини ўзгартириб, эртанги кунга, ислохотлар натижасига бўлган ишончи кучайган. Улар жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг фаол иштирокчиси, Ўзбекистондаги тизимли ва шиддатли демократик ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси ортган.

Бугун Ўзбекистон халқи Конституция ва қонунлар ўзгаришидан манфаатдор эканини намоён этиб, том маънода Асосий қонун ижодкорига айланди. 2022 йил 18 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича кенг жамоатчиликдан, жумладан, ўқитувчилар, тадбиркорлар, фермерлар, фуқаролик жамияти институти ва миллий-маданий марказлар, сиёсий партиялар вакиллари, маҳаллалар, умуман халқимиздан 40 мингдан зиёд тақлиф келиб тушгани ҳам шундан далолат беради.

— Ўзбекистонда шиддатли демократик ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси ортиб бораётганини кўриш мумкин, — деди “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти (Словения) раҳбари Мьюша Север. — Аниқ мақсад ва вазифаларга қаратилган демократик ислохотларнинг амалда баҳарилаётгани ҳам жуда қувонарли. Ўзбекистонда кечаётган янги даврнинг энг муҳим ва устувор хусусияти ў ҳозирги ва келажак авлодининг фаровон тур-

Муҳокамалар давомида инсон қадрини улуглаш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Ушбу масалаларнинг конституциявий ечимини аниқлаб берувчи нормаларни мамлакат Асосий қонунда акс эттириш бўйича тақлифлар киритилди.

Ўзгаришларни, жумладан, конституциявий ислохотни ўзaro боғлаб, жишлантириб туриш ўзгани айнан “Инсон қадри учун” тамойили, ҳар қандай шахс ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати, бошқа дахлсиз ҳуқуқларини жойига қўйиш, улуглаш гоёси ташкил этиши алоҳида эътироф этилди.

— Фуқаролар ҳуқуқларини янада қўлайитириш ва улардан фойдаланиш бўйича саъй-ҳаракатлар янги Ўзбекистондаги ислохотлар жараёни негизини ташкил қилишини биламиз, — деди АҚШнинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили П.Политис. — Ҳукумат шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш йўлида катта ютуқларга эришаётгани аниқ. Бунга ёрқин мисол мажбурий меҳнатга қарши курашишдаги ажойиб муваффақиятлардир. Биз конституциявий ўзгаришларнинг жамиятга ижобий таъсирини жуда яхши биламиз. Конституциявий ислохотлар инсонларга чинакам ҳисобдор ва масъулият билан хизмат қилувчи адолатли ҳукуматни ривожлантириш ва қўлаб-қувватлаш имконини яратади.

Муҳокамалар давомида инсон қадрини улуглаш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Ушбу масалаларнинг конституциявий ечимини аниқлаб берувчи нормаларни мамлакат Асосий қонунда акс эттириш бўйича тақлифлар киритилди. Бир сўз билан айтганда, халқаро конференция конструктив мулоқот ва эркин фикр алмашув тарзида ўтди. Унинг якунида хорижий давлатлар ва Ўзбекистон Конституциявий тараққиёт қўмитаси тақлифлари, “давлат, фуқаро ва жамият конституциялари” ривожланиш қонуниятини инобатга олиб, Ўзбекистон Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Конституциявий комиссияга тегишли тақлифларни киритишни назарда тутувчи Урганч декларацияси қабул қилинди.

ЁШЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

ДУНЁ УМИД БИЛАН КЎЗ ТИЖКАН КУЧ



Олим МУРТАЗОЕВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

ган. Мухими, бу қандай ишлаб чиқариш усули бўлишидан қатъи назар, ҳаётий заруратга айланди.

Ҳозир бир кунлик иш учун ишлайдиганлар ҳам турли тоифаларга ажратилади. Усталар, мутахассислар, ёрдамчилар, қурувчилар, қишлоқ хўжалиги ишлари ва уй юмушларини бажарувчилар, томоққада ишловчилар шулар жумласидан. Бу бозор иш изловчилар ва ишга таклиф қилувчилар ўртасида юзага келади. Ишчи кучи баҳоси ҳам талаб ва таклиф ўртасида шаклланади. Унинг бошқача мезони бўлиши мумкин эмас.

Стихияли шаклландиган бу бозорни муайян мурватлар орқали тартибга солиш ҳам мумкин. У ҳар бир иш изловчининг тўлиқ маълумоти ва харидорнинг хоҳиши асосида шакллантирилиб, тартибга солинган учун меҳнат бозорига айланади.

Демографик тадқиқотлар натижаси

Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан ўзини ўзи банд қилаётган шахслар учун 67 хил иш ва хизмат тури тасдиқланган.

Қарорга мувофиқ, юртимизда меҳнат мигрантларини қасбга ўқитиш, хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шароит яратиш, чет тилларни ўргатиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, меҳнат миграциясидан қайтган шахсларнинг интеграцияси масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги доирасида қўриб чиқилади.

Маълумотларга кўра, 2019 йили юртимизда 1 миллион 335,3 минг киши, Самарқанд вилоятида эса қарийб 148 мингдан зиёд вақтинчалик ва доимий ишсиз мавжуд эди. Бу иқтисодий фаол аҳолининг 9,3 фоизини ташкил қилади. Аҳолининг бандлик даражаси эса 65,4 фоизни ташкил этган. 2020 йилги пандемия шароитида яқин ва узоқ хорижий давлатлардан ватанимизга қайтиб келган ва қилиб ишлаётган фуқаролар бунга яққол мисол бўлади. Нормасий маълумотлар эса, юртимизда меҳнатга яроқли аҳолининг салмоқли фоизи ишсизлар эканидан далolat беради. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ўртасида демографик тадқиқотлар олиб боришни таъқозо қилади.

2021-2022 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали илмий тадқиқотчилари ишсизлик муаммосини чуқурроқ ўрганиш мақсадида монографик тадқиқотлар олиб борди. Жумладан, меҳнат бозоридagi ишсизларнинг истак-хоҳишлари ҳамда ҳолатини ўрганиб, ижтимоий сўровномалар, маҳаллаларда алоҳида суҳбатлар ўтказди. Шунингдек, туманларда меҳнат ресурслари ортиқчилиги ва уларнинг етишмовчилиги мезонлари бўйича индивидуал ҳолат ҳам ўрганилди. Жараён 5 мингга яқин кишини қамраб олди.

Аввало, ўрганиш кунлик ёлпаниб ишлайдиганлар турадиган манзилларда бошланди. Бу ижобий натижа бермагандан кейин қишлоқлардаги аҳоли ўртасида сўровномалар ўтказиш йўли билан ҳолат ўрганилди. Меҳнат бозори иштирокчиларининг маълумоти бўйича гуруҳланишида энг юқори кўрсаткич ўрта маълумотлиларда бўлиб, улар ўртача 92,8 фоизни ташкил қилган. Ишчиларнинг ёши бўйича гуруҳланишида асосий салмоқни 21-30 ёшлилар ташкил қилган ва бу умумий кўрсаткичнинг 50,5 фоизи демакдир.

Ҳозир аҳоли бандлиги ва ишсизлик масалаларига қаратилган эътибор кучайгани билан унинг аҳамияти камайгани йўқ. Чунки иқтисодиёт тармоқларида ривожланиш интенсив йўналишда давом этиб, келажақда барча соҳа ва тармоқлар рақамли иқтисодиётга ўтиши муносабати билан ишсизлик ва бандлик масалалари янада долзарб бўлиб қолади. Шу боис, бутун мамлакатда, жумладан, вилоятда,

Бу ҳолат юртимизда таълим олаётган талабаларнинг ҳам ўқишига, фаолиятига жиддий таъсир кўрсата бошлаган. Бошқа томондан, олий таълим тизимини коррумпциясиз соҳага айлантириш учун жиддий кураш олиб борилаётган бир пайтда имтиҳонсиз, осонгина бирор хорижий олий таълим муассасасига ўқишга кирган йигит-қиз шундай хавфни ҳам тарғиб қилмаслигига ким қаролат берад эди?

Бу соҳадаги ўтган йиллар амалиёти шуни кўрсатдики, давлат комиссияси томонидан бизга тавсия қилинган талабаларнинг айримлари ҳатто ҳужжатнинг асл нусхасини ҳам ўша олий ўқув юртидан олиб келиб тақдим қила олмади. Бунга бир томондан COVID-19 билан боғлиқ карантин ҳолати сабаб бўлса, бошқа томондан дарс ўтилмаган ёки дарс бўлса ҳам, айрим ёшларимиз қатнашмаган.

Масалан, биргина Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиалида ўтган ўқув йилида давлат



мактаблар ва олий таълим муассасаларида қўшимча курслар ва касб бевурич марказлар ташкил қилинаётгани айни мuddаодир.

Илмлик — бош мезон

Бир оз орта назар ташласак, ўтган ўқув йилларида хорижий олийгоҳларга ўқишга қорлов, яъни "имтиҳонсиз талаба бўлиш" ва натижада абитуриентнинг билиминини ҳеч бир мезон билан баҳоламай, қанчадир пул эвазига талабалikka қабул қилиш ҳақидаги хабарлар тез-тез қўлоққа чалинар эди. Гўёки бир йилдан сўнг уларнинг талабаси, дарста борган-борганидан қатъи назар, ўқишни кўчириб ўтказиши мумкин эди. Буни қандай тушуниши мумкин? Бу ҳолат айрим давлатлар нуфузли олий ўқув юртиларининг бизга сифатли кадр тайёрлашдаги ўзига хос "ёрдами" эдими? Мамлакатлар ўртасида шартномалар тузилаётган вақтда шу мезон ҳисобга олинмади ёки бу ерда сифат унча аҳамиятга эга эмасми? Биз мамлакат ичида сифатга катта эътибор қаратаётган вақтда хорижий дўстларимиз маҳаллий ўғил-қизларимизни бир йил ўқитиб ёки ўқитмай қайтариб юбораятганини нима деб тушуниш мумкин эди?

Комиссиянинг қарорига биноан 189 нафар талаба Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон олий таълим муассасаларидан мурожаат қилган. Улардан 161 нафари талабалikka қабул қилинди. Бундан ташқари, 28 нафар абитуриент қатор сабабларга кўра, ўз хоҳишига биноан ўқишни кўчиришдан воз кечган. Яна 14 нафари шартнома пулини тўламагани, 11 нафари қўшни давлатдаги олийгоҳда тўлиқ бир семестр ўқимагани учун талабалikka қабул қилинмади.

Бошқа олий таълим муассасаларида ҳам ўқиши кўчирилиб, тикланаётган талабалар билан ишлаш жараёнида худди шундай ҳолатлар кузатилади. Бу амалиёт ўқув йили давомида барча олий таълим муассасалари фаолиятида ижобий натижаларга олиб келмади. Бу жараён, албатта, олий таълим соҳасида ўзига хос ўзгаришлар бўлишини таъқозо қилган эди.

Президентимизнинг ўтган йили 22 июндаги "2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги қароридан чет элда ўқитган талабалар ўқишини хорижий мамлакатлардан юртимиздаги давлат олий таълим муассасаларининг мос ва

ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ УЧУН ХОНА ВА ИНШООТЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ, МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАР БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ФИЛИАЛНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ҚўЛЛАНИШИ УЧУН ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИГА ТЕГИШЛИ ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ. ТАЛАБАЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА МАИШИЙ, ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА БОШҚА ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ.

Тўғроқ таълим йўналишларига кўчириш, ДТМ тест синовлари орқали қабул қилиш белгилангани эътиборга лойиқ иш бўлди.

Утган ўқув йилидан бошлаб, хориждан ўқишни кўчириш масаласига оидинлик киритилиб, бу жараён анча тизимга келтирилди. 2021-2022 ўқув йилида эса таълим соҳасидаги ислохотларнинг тақомиллаштирилган янги, иккинчи босқичи амалга оширилди. 2022 йил 8 апрелда олий ва ўрта махсус таълим вазирининг тегишли буйруғи билан 2022-2023 ўқув йилида хорижий давлатлардаги олий таълим муассасалари, юртимизда фаолият юритаётган нодавлат ва хорижий (филиаллар) олий таълим муассасаларида давлат олий таълим муассасаларига ўқишни кўчириш учун ўтмиш баллари тасдиқланди. Унга биноан таълим йўналишларига қараб табақалаштирилган ҳолда баллар белгилаб олинди. Масалан, иқтисод таълим йўналишига 105 балл этиб белгиланиб, бу рақам миллий иқтисодиётдаги шу таълим йўналишига шартнома асосида ўқишга кириши мумкин бўлган абитуриентларнинг кириш баллига деярли тенглаштириб қўйилди. Бу эса хориждан ўқишни кўчиришга бел боғланган талабаларнинг билиминини яхшилаб синовдан ўтказиш имкониятини беради.

Демак, хорижга алдов билан, яъни "харажатлар ҳисобидан имтиҳон топширмай" кириб, яна тестдан 105 балл тўплай олмаса, албатта, меҳнатига қуяди. Бундан икки жиҳат келиб чиқади, аввало, ўқишни бошидан бошлашга ва молиявий жиҳатдан ортиқча пул сарфлашга тўғри келади. Мухими эса, ўзини англаган йигит-қиз турли алдовларга учмасдан, шу ерда яхши ўқиб, билиминини ошириб, ўқишга ҳужжат топширади.

Интеграция — муаммонинг бир ечими

Президентимиз раҳбарлигида шу йил 4 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган топшириқ ва вазифаларга биноан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиалида бўш хона ва иншоотлар қайта инвентаризациядан ўтказилди. Улар-

нинг майдони ҳамда бўш вақти кўрсатилган ҳолда рўйхати шакллантирилди. Мазкур маълумотлардан талабаларни хабардор қилиш мақсадида шакллантирилган рўйхат филиалнинг расмий сайтида, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ёритилди, маълумотлар бурчачига жойлаштирилди. Филиалнинг "карьер маркази" томонидан талабаларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Талабалар томонидан янги ташкил этилиши режалаштирилган хизмат турлари учун хона ва иншоотларни жиҳозлаш, моддий-техник базасини шакллантириш учун зарур бўладиган харажатлар белгиланган тартибда филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши учун харажатлар сметасига тегишли ўзгартришлар киритилди. Талабалар бандлигини таъминлаш мақсадида маиший, хизмат кўрсатиш ва бошқа хизмат турларини ташкил этиш назоратга олинди.

Филиалда қундузги бўлимнинг 822 нафар талабасидан ишга муҳтож 226 нафарни ташкил этиб, бугунгача 156 нафарнинг бандлиги таъминланди. Жумладан, филиалнинг ички имкониятлари ҳисобидан 27 нафар, олийгоҳ ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига 17 нафар, ўқув муассасасига туташ тадбиркорлик субъектларига 52 нафар, Самарқанд шаҳридаги Президент мактабидagi вакант жойга 1 нафар, олийгоҳ йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган йирик корхоналарга 49 нафар, бошқа йўналишлар бўйича корхоналарга 13 нафар талаба ишга жойлаштирилди.

Демак, юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларга шароит яратишдек оқилона сўбат олий таълим муассасалари талабаларидан бошланчи фан — таълим — ишлаб чиқариш интеграциясининг узлуқсиз, кетма-кетликда давом этиши ва ривожланиши, ишсизлик муаммосига анча кеч қилиб дуч келишдек масалаларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу янги Ўзбекистондаги ишсизлик муаммосини камайитириш борасида ўзига хос, бошқа давлатларда учрамайдиган йўл бўлиб, муаммо пайдо бўлгандан кейин курашиш эмас, балки унинг олдини олиш борасида катта амалиётдир.

ИЛМ-ФАН

Шаҳзод ҒАҒФОРОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

"Қашиёт қилишдан кўра, уни амалиётга татбиқ этиш машаққатлироқ иш", деган эди машҳур физик олим Томас Эдисон. Дарҳақиқат, қашиёт ёки ихтиро илм-фан учун катта янгилик бўлса, у ҳаётга татбиқ этилгандагина давлат ва жамият ривожига, халқ манфаатларига хизмат қилади.

ПЛАТИНА АЖРАТИБ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

У мамлакатимиз саноати учун қай даражада фойда келтиради?



Дунё бўйича платинанинг асосий қисми ЖАР, АҚШ, Россия, Канада, Зимбабве ҳамда Хитойда ишлаб чиқарилади. Автомобилсозлик саноати

ривожланган Германия, Япония, АҚШ каби давлатларда платинани эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. Чунки платинани автомобил катли заторлари автомобиль двигателидан ажратиб чиқувчи зарарли газларни каталиги нейтраллаб, тозалаб бериш хусусиятига эга.

WRPC ташкилоти маълумотларига кўра, 2022-2023 йилларда дунё бўйича платина истеъмоли 4 фоиз ўсиши кутулимоқда. Бу эса, ўз навбатида, соф платина ажратиб олишда кенг миқёсда тадқиқотлар олиб боради. Аффионал чеҳи ташландиқ эритмалари таркибидagi бундай металллар микдорини, кимёвий тузилишини аниқлаш усулларини ҳамда олтин электродлиги чиқинди эритмаларини платинани соф ҳолда ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва мавжуд технологияларни тақомиллаштиришни талаб этади.

Қимматбаҳо металллар ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлар чиқиндиларини қайта ишлаш орқали платина гуруҳи металлларини соф ҳолда ажратиб олиш технологияси бўйича кенг миқёсда тадқиқотлар олиб боради. Аффионал чеҳи ташландиқ эритмалари таркибидagi бундай металллар микдорини, кимёвий тузилишини аниқлаш усулларини ҳамда олтин электродлиги чиқинди эритмаларини платинани соф ҳолда ажратиб олиш технологиясини яратиш ва ресурстежамкор технологияни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

— Дунёда платина ва платиноидлар бошқа рудалардан, никель ва мис шламларидан, асосан, гидротермальлик усуллар ёрдамида ажратиб олинади, — дейди Орифжон Усмонов. — Биз ишлаб чиққан технологиянинг янгилиги ва афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида платина ўта кам концентратцияли эритмалардан соф ҳолда ажратиб олинади. Мамлакатимиз платина ва платина асосли маҳсулотларни импорт қилмоқда. Бу юртимизда платинани талабни қисман қондиради. Биз таклиф этган усулнинг татбиқ этилиши мамлакатимизда мазкур нодир металлга бўлган эҳтиёжни таъминлаш, импорт ўрнини босувчи сифатли платина олиш имконини беради. (PhD) илмий даражасини берувчи диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди.

Аҳамиятга эга. "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ мис эритиш заводининг олтин ва қумушни аффионаллаш чехида ишлаб чиқаришга татбиқ қилинган.

Орифжон устозлари билан бирга комбинатда палладий ишлаб чиқариш технологиясини тақомиллаштириш бўйича ҳам илмий тадқиқотлар олиб борди. Натижада палладий ажратиш қурилми янги, инновацион, бошқа давлатларда ўқша-йўқ технология яратилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ қилинди. Ушбу технология олдингисига қараганда тозалик даражаси юқори ва бир неча баробар кўп палладий олиш имкониятини берди.

Палладийнинг дунёда энг қимматбаҳо металлдан бири эканини ҳисобга олсак, бу ишни муҳим аҳамиятга эга дейиш мумкин. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган палладий Швейцарияга экспорт қилинмоқда.

Уз устида ишлашдан тўхтамайдиган, ҳаммиса изланишдан толмайдиган ёш олим 2018 йилда "Олмалик КМК" АЖнинг "Энг яхши рационализатор" дипломи билан тақдирланди. 2019 йилда эса комбинатнинг 70 йиллиги муносабати билан ўтказилган "Энг яхши инновацион го" танловида фойда бўлди. 2021 йилда комбинатнинг ёш олимлар кенгаши раиси этиб сайланди. Шу йилнинг март ойида техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди.

Иқтидорли олим айни кунларда ишлаб чиқариш корхоналари техноген чиқиндиларини комплекс қайта ишлаш орқали камёб ва ноёб металлларни ажратиб олиш технологиясини яратиш устида тадқиқотлар олиб боради.

Орифжон Усмоновнинг сингари олимлар эришган муваффақиятлар замирида мамлакатимизда таълим, илм-фан, хусусан, кимё ва физика фанларига қаратилаётган эътибор мужассам. Еш олим ана шундай ғамхўрликдан янада куч олиб, янги марраларни забт этиш, юртимиз илм-фани ривожига хизмат қиладиган илмий янгиликлар, қашиётлар яратишга бел боғлаган.

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

МОҲИР ПУБЛИЦИСТ, МАТБААЧИ ВА НОШИР

Бу йил Исоққон тўра Ибрат таваллудига 160 йил тўлади. Мана шундай кунларда улғ мутафаккирни эслаш, унинг руҳини шод қилиш хайрлидир

Исоққон тўра Ибрат фаолият доираси кенг шоир ва олим, ношир ва публицист, педагог ва сайёх, миллий уйғониш даврининг машхур ислохотчиси сифатида бутун ҳаётини Ватан ва миллат манфаатларига, унинг истиқлолига бағишлади. Шу боис, унинг бой маданий-маърифий, илмий-бадиий мероси нафақат мамлакатимизда, ҳатто яқин ва узоқ хорижда ҳам кенг ўрганилмоқда. Кейинги йилларда Ибратнинг "Мезон уз-замон" ("Замон тарозуси") маърифий асарининг япон ва ўзбек профессорлари Хисао Коматсу ва Бахтиёр Бобоқонов томонидан ҳамкорликда Тошкент ва Токиода нашр этилиши, шоир шеърларининг салмоқли сўзбоши билан Туркияда чоп этилгани ушбу фикрни тасдиқлайди.



Улуғбек ДОЛИМОВ, педагогика фанлари доктори

Президентимиз Шавкат Мирзиёев юксак лавозимни бажаришга киришган дастлабки кунларда Наманган вилоятига сафарни чоғида истиқлол фидойиларидан Исоққон тўра Ибрат ҳақида гапириб, унинг музейини қайта тиклаш ва тўлдириш, асарларини нашр этиш ҳақида қimmatли фикрлар баён қилган эди. Дарҳақиқат, мустақиллик, истиқлол мафкураси миллат, Ватан учун жон фидо қилган инсонларнинг умумбаشارий ишларини, ўлмас асарларини халқимиз тафаккурига, келажакимиз эгалари — ёшлар шуғрига синдириш орқали амалга оширилади.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида мамлакатимиз маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий тафаккури тараққиётида матбуот, нашриёт, матбаа ва кутубхоналар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Публицистика жанри миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг энг илгор, ҳозиржавоб ажралмас бир қисмига айланган. У анча масъулиятли, таъсирчан, оммавий, шу билан бирга, ўзбек адабиёти учун нисбатан янги жанр бўлишга қарамай, маърифатпарварларнинг жанговар минбарига айланган. Шунинг учун ҳам Исоққон тўра Ибрат қатор публицистик мақола ва шеърларида матбуотнинг халқ маърифий-маданий, сиёсий ҳаётидаги аҳамиятига юксак баҳо берди. У бошқа маърифатпарварлар каби ўз шеър ва мақолаларини ўзбек тилидаги илк матбуот органи бўлмиш "Туркистон вилоятининг газети"да эълон қилди, кескин мунозараларда фаол иштирок этди.

Маълумки, ушбу газета чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги мустамаккачилик сиёсатини мустахкамлаш, ерли аҳолини тобеликада, тутқунликда сақлаш мақсадида ташкил этилган эди. Бу газета ўта қабیح, ўта салбий мақсадларни амалга оширишни кўзлаган бўлса-да, миллий уйғониш ҳаракатининг етакчи намоёндалари хали жадид газета ва журналлари дунё юзини кўрмаган бир пайтда бу газета саҳифаларидан миллат манфаатлари йўлида, ўзларининг орзу-армонларини халққа етказишда минбар сифатида фойдаланди. Шунинг учун ҳам мазкур газета ўзбек публицистикаси ва журналистикаси тарихининг илк саҳифаси ҳисобланади.

Комил Хоразмий, Сатторхон Абдуғафоров, Муҳиддинхўжа қози, Шарифхўжа қози, Рожий Марғинович, Фурақат, Саидрасул Саидазизов каби Миллий уйғониш даврининг дастлабки намоёндалари — янгича маърифатпарварлик оқимининг раҳнамолари ушбу газетада ўз мақолалари, шеърлари билан фаол иштирок этган. Шулар қаторида Исоққон Ибрат ҳам бор эди.

Унинг биз тўплаган мақолалари эзликдан ошиқ бўлиб, шулардан таъминан 30 таси "Туркистон вилоятининг газети" саҳифаларида босилган. Публицистикасининг асосини маърифатпарварлик гоялари ташкил этади. У дастлабки мақолаларидан бошлаб меҳнаткаш халқ бошидаги оғир мустамаккачилик зулмини қосиш эшига, халқни маънавий уйғотишга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам Ибрат асрлар давомида ҳеч бир ижобий ўзгаришсиз келаятган эски схоластик таълим-тарбия, ўқув-ўқитув тизимига қарши кураш бошлади.

Ўзбек мутафаккирлари — жадидчилик ҳаракатининг М.Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исоққон Ибрат, Сиддиқий Ажзий каби сардорлари ўз ватанини мустақил, халқини ривож топган халқлар билан тенг кўришни орзу қилди. Буни амалга оширишда мактаб ва мадрасаларни

тубдан ислох қилиш масаласига бутун куч ва ғайратини, билимини, ҳатто мол-мулкни, керак бўлганда, жонларини ҳам бахш этди.

Исоққон Ибрат Тошкент жадидлари раҳбарлик қилган "Тараққий", "Тужжор", "Садойи Туркистон" "Ал-ислох" каби газета-журналларда, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Ойна" журналида, Обиджон Маҳмудовнинг "Садойи Фарғона" газетасида шеър ва мақолалари билан фаол иштирок этди. У Мунавварқорининг таклифига биноан бир неча марта Тошкентда, унинг мактаби имтиҳонларида иштирок этди, улар ҳақида туркум мақолалар эълон қилди. Мунавварқори 1907 йилда Исоққон тўрага махсус "Даъватнома" билан мурожаат қилади:

"Хурматли Исоққон ҳожи жанобларини! 1907 йил май ойидан эътиборан Тошкентда Тарновбоши маҳалласидаги "Хония" мактабинда талабаларни(не) йиллик имтиҳонлари бошланур. Сиз, хурматлудан рижо қилурмизки, тавобингизда бўлгон усули жадидия мактаблари мудирлари ила имтиҳон мажлисларини ташриф қилсангиз, муаллим ва шоғирлар Сиздан мамнун бўлур эдилар.

Муҳибингиз Мунавварқори. 15 март, 1907 йил". Бу таклифга биноан Исоққон Ибрат ўз яқинлари Хусайн Макаев, шоғирди Мулла Искандар Абдуваҳоб ўғли билан ярим ойга яқин Тошкентда бўлади, усули жадид мактабларида Мунавварқори жорий қилган имтиҳон маросимларида иштирок этади, Мунавварқори ва Абдулла Авлоний яратган дарсликлар билан танишади, "усули жадид" мактаблари билан бир қаторда Тошкентдаги "усули қадим" мактабларида ҳам бўлади ва ўз муносабатларини, танқидий қарашларини "Туркистон

методининг хос хусусиятларини кўрсатиб берган "Раҳбари муаллимни ёки муаллимларга йўлдош" методик қўлланмаси ўлкамизда кенг тарқалаётган, янги ўқув усуллари вужудга келаятган бир пайтда мазкур домла ёш болалар руҳиятига, билим савиясига мос келмайдиган китобларни ўқитишни давом эттиради.

Ушбу мактабнинг моҳиятини, эски схоластик мактаблардан ҳеч қандай фарқи йўқлигини аниқлаган Исоққон Ибрат ушунда Хусанхўжа домладан қаттиқ ранжийди. Эътиборли томони шундаки, Исоққон Ибрат 1907 йили Тошкентга келган кунлари ушбу мактабни кузатган ва ўқитувчиси билан суҳбатлашган. Хусанхўжа домла ўзининг "Тошкент мусулмон мактаблари ҳақида" мақоласида "усули савтия" методига асосланган жадид мактабларни танқид қилади ва эски — анъанавий мактабларни номига ислох қилиш — калтак билан жазолашни бекор қилиш, уларни жамоа-жамоа қилиб ўқитиш ва давоматни тартибга солиш талаби билангина чиқди. Фақат буларнинг ўзи ўқув-тарбия савиясини кўтаришда сезиларли натижа бера олмас эди. Чунки бундай мактабларда ўқув-тарбия асосини ўқувчи тушуниб етмайдиган ўта мураккаб китоблар, фақат диний ақидаларни тушунамасдан қуруқ ёдлаш ташкил қилар, бунинг устига қўлаб тавсия этилган китоблар араб ва форс тилларида эди.

Ўқитиш методи бутунлай яроқсиз бўлган бундай мактабларни енгил-епли ислох қилишга Исоққон Ибрат кескин қарши чиқди ва эски таълим-тарбия ҳамда ўқитиш тизимига доир ёзган танқидий мақолаларида эски мактабларни ҳашарот уйсига ўхшатиб, шундай ёздади: "Болаларни эски мактаблар

бахра топмай юрдуқларини жоним ачиб, Қозон тарафидан бир мулла (Хусайн Макаев — У.Д.) жалб эдуб, мактаб қилиб бердим. Мактабнинг кушодига уч ой булаани йўқ, йиғирмадан зиёда кичик болалар тамом саводи чиқиб, ҳар нарсани ёзадурган бўдилар. Турт-беш, етти-саккиз саналар Қўқонга юрб, ҳеч нарса билмаган мулла-воччалар батамомихи арабий муқоламага қодир бўлуб, ҳар бир китобларни мутлоага этадурган бўдилар. Шул сабабдан биз кўзумиз ила тажриба қилиб, бул ўқитиш (усули савтия)га тамом ихлос қилдик. ("ТБГ", 1913, 38-сон).

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, бу мунозара энди дунё юзини кўраётган "усули жадид" ("усули савтия") методи билан "усули қадим" ("усули ҳижоя") методи ўртасидаги курашларнинг бошланиши эди. Бу мунозара кейинроқ жадидий сиёсий курашларга айланиб кетди.

Ҳаётда юз бераётган ҳар қандай ижобий ўзгаришлар Исоққон Ибрат публицистикасига асосий мавзу бўлиб кирди. Таълим-тарбия, маориф, фан ва маданият, техника соҳасидаги янгиликлар унинг мақолаларида акс-садо берди. 1912 йил 7 июлда Қўқон ва Наманган шаҳарларида Наманган — Қўқон темир йўлининг очилиши муносабати билан катта тантаналар бўлди. Исоққон матбуотда бу воқеаларни моҳир журналист-публицист сифатида ёритиб берди: "Тортиб кўйилган лентани кесиб, анича устига "Намангонга салом!" деган ёзувни воазолага рўбарў қилиб, ул поездга Намангонга шуқрона байрамага борадургон кишилар тушуб, алоҳида чиройлик қилиб, устига "Яхши соатда!" деб ёзилган дарвозадан поезд ўтуб, Намангонга қараб жўнаб, ўша аснода фотоаграфлар ва ҳам алоҳида чиқарилган синаммотограф ўшал ерда ҳозир бўлуб, тасвирларни олиб турубдурлар... 7 июлда Намангонда поездин(не) дохили муносабати илан ўн кун сайил бўлуб, фуқоро меҳнатидин роҳатга чиқканга хурсандлик туйди бўладур". (Намангондин умумий хабар хурсанди. "ТБГ", 1912, 56-сон).

Журналист Исоққон Ибрат кейинги "Намангондин умумий хабар хурсанди" мақоласида темир йўл ва Сирдарё устига кўприк қурилишида қўл келган замона техникасига, илм-маърифатига, халқ кудратига, меҳнатига тасаннолар айтади, уларни "хурсандлик туйди" да қатнашишга даъват этади: "Ўқингиз илм ҳикмат сизга

бу иш катта Ибратдур, Агар илм ўраунурсиз, барча ишда сизга нусратдур, Агар илм ўлмаса, нодон умри барча кулфатдур, Бу ашёйи жадиди мубаддини асли ҳикматдур, Ажиб бир фойизи арзоқи инсоний вагон келди. ("ТБГ", 1911, 14-сон).

Афсуски, бундай ишларда Чор ҳукумати, генерал губернаторлик ҳеч қачон мустамакка ўлка халқи манфаатларини назарда тутган эмас эди, аксинча, унинг маънавий ва моддий бойлиқларига эгалик қилиш, тезроқ ва кўпроқ ташиб кетишни мақсад қилиб қўйган ва бунга эришган эди. Албатта, буларни мустамаккачи ҳукумат газета саҳифаларида айтиш амри маҳол эди.

Исоққон Ибратнинг бу туркум мақолалари журналистиканинг энг долзарб жанри — репортаж жанрининг анча мукаммал ва чиройли намунаси деса арзийди. Ҳаётда юз бераётган ҳар қандай ижобий ўзгаришлар Исоққон тўра Ибрат публицистикасига асосий мавзу бўлиб кирди. Таълим-тарбия, маориф, фан ва маданият, техника соҳасидаги янгиликлар унинг публицистик мақолаларида ўз ифодасини топди. Жадид матбуотининг вужудга келиши билан унинг саҳифаларида Исоққон Ибратнинг мақола ва шеърлари ҳам тез-тез кўрина бошлади, газета ва журнал мутасаддиларига чин кўнгилдан муваффақиятлар тилади.

Исоққон Ибрат 1908 йилда Москва ва Петербург саёҳатида, диққатга сазовор ўқув ва маданият масканларида бўлди. Эрмишда сақланаётган "Мусхадди Усмоний"ни кўзига суртади. Қайтишда Оренбург ва Уфа шаҳарларида бўлади, туркий халқларнинг улғ мутафаккирлари Ризоидин Фахриддиннинг "Шуру" журнали билан, Фотиҳ Каримийнинг "Вақт" газетаси билан алоқа ўрнатади ва уларнинг доимий мушаррийсига айланади, "усули жадид" хусусида улар билан узоқ суҳбатлашади. Оренбургда Исоққон Гауфман деган матбаачидан пулни ўн йил давомида тўлаш шарти билан кредитга литографик машина сотиб олади ва уни бутун анжомлари билан жуда катта машаққатларга қарамай, Оренбургдан Қўқонга поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда олиб келди. 1908 йилда бир неча йилдан бери бўш ётган, ўзи қурдирган ҳаммом биносида босмахона ташкил қилади ва "Матбааи Исоққон" номи билан ишга туширади. Матбаа ишларидан анча хабардор бўлган



Хусайн Макаев ва Абдулрауф Шаҳидий Исоққон Ибрат билан ёнма-ён туриб ишлайди. Туркистон ўлкасининг чекка бир қишлоғида матбаанинг вужудга келиши ўзбек халқининг таълим-тарбия, маърифат соҳасидаги улкан ютуғи эди. Бу ҳақда "Таржимон", "Вақт" газеталарида туркум мақолалар эълон қилинган.

Исоққон матбаани очган йилги ўқи кенгайтириш, ўлкада кўзга кўринган босмахоналардан бирига айлантириш учун ҳаракат қилди, керакли анжомлар тайёрлади, ҳуқуматга ариза ҳам берди: "Ушбуни эълон этамиз. Ушбу кўндан ибтидоан матбаамизда закалар қабул қилинадур. Чунки, рисолавлар, ҳар хил бланкалар ва табрикнома-лар, ишчўтлар, қарточкалар, мактуб варақома-лар, ҳар нима чоп этилмак мумкин... Матбаамизни вилоятда танҳо қилмоқ аввалдан матбаамиздур. Анқариб уруфот босмахонаси ҳам очилур, асбоблар ҳам тайёр. Хуқуматдан ижозат олинган". (Исоққон Ибрат. Илми Ибрат. 1908 й. 16-бет).

Миллат маънавияти, маорифи, илм-фани тараққиётида матбуотнинг улкан аҳамиятини яхши тушунган жадид мутафаккирлари Бехбудий, Мунавварқори, Авлоний, Убайдуллаҳуаев, Обиджон Маҳмудовлар ташкил этган газета ва журналларни қўллаб-қувватлаган, уларда ўз мақола ва шеърлари билан фаол иштирок этган Исоққон Ибрат ўзи ҳам 1913 йилда "Матбааи Исоққон" қошида "Ал-тижорал Намангон" номида газета чиқаришга ҳаракат қилди, ҳукуматдан рухсат олиш учун ариза ҳам берди. Бу ҳақда Оренбургда чиқадиган, Марказий Осиёда, умуман, Турк дунёсида машхур бўлган "Вақт" газетаси қатта мамнуният билан қўйидагиларни ёздади: "Намангон муътабариндин Исоққ қози ҳазратлари "Ал-тижорал Намангон" исминда бир газета чиқарарга сўраб ариза берди. Бу зот 1908 йилда Намангонда бир матбаа очган эди. Бу йил "Кутубхонаи Исоққон" исминда кутубхона очиб, турк, татар, ўзбек, рус тилларинда бўлгон адабиёт китоблари қўлдур. Ҳозир газета таъриқий ҳаддиндадур. Чин кўнудан муваффақият тилаймиз".

Ҳар қанча ҳаракат қилса-да, Ибрат газета чиқаришга муваффақ бўла олмади. Улзуски мустамаккачиларнинг маҳфий органлари таъқибда бўлган Ибратга рухсат берадилар. Лекин ўз йилда ниҳоятда бой кутубхона ташкил қилди ва "Кутубхонаи Исоққон" деб атади. Унда дунёда машхур Юсуф Хос Ҳожибнинг "Кутубга били" асари ноёб қўлёзмасининг бир неча ўн йиллар давомида сақлангани ва Утган асрининг 20-йилларида Фитрат ва Лутфулла Олимийлар томонидан давлат кутубхонасига топширилиши "Кутубхонаи Исоққон"нинг буюк аҳамиятини таъминлайди. Нодоматлар бўлғайки, 30-йиллар қатнағони авж пиласида бу кутубхона бо маънавий бойлиқлари билан барбод этилди.

Халқ ўртасида китоб ва турли хил рисолаларга талаб орттириш натижасида "Матбааи Исоққон" 1910 йилда Наманган шаҳрига кўчирилди ва типотитрографияга айлантирилди. Қисқа вақт ичида ўзининг "Санъати Ибрат", "Илми Ибрат", "Жомеъ ул-хуту" асарларини босмадан чиқарди, ўзга муаллифларнинг асарларини нашрга тайёрлади. Афсуски, Исоққон Ибратнинг улкан орзу-умидлари армон бўлиб қолди: октябрь тўнтарышининг дастлабки йилгиб ўшбу ҳуқумати "Матбааи Исоққон"ни зўрлик билан тортиб олди...

2018 йили Тўрақўрғонда Президентимиз Шавкат Мирзиёев таклифига биноан буюк мутафаккир Ибрат номидаги мажмуа ташкил этилиб, у катта бoғ, унинг ўртасида Исоққон тўра Ибратнинг маҳобатли хайкали, миллий уйсуда яилан, мусикали фаввора, замонавий матбаа, болалар боғчаси, чет тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган 400 уринли мактаб-интернат, тарихий-меъморий музейдан иборат барпо этилган обидаларни ўз ичига олади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан яқинда — 2022 йил 9 июнда имзоланган "Исоққон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарор мутафаккир бобомиз педагогик фаолиятининг ёрқин эътирофи бўлди.

“ ИСОҚҚОН ИБРАТ ТОШКЕНТ ЖАДИДЛАРИ РАҲБАРЛИК ҚИЛГАН “ТАРАҚҚИЙ”, “ТУЖЖОР”, “САДОЙИ ТУРКИСТОН” “АЛ-ИСЛОХ” КАБИ ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАРДА, МАҲМУДУХҲА БЕХБУДИЙНИНГ “ОЙНА” ЖУРНАЛИДА, ОБИДЖОН МАҲМУДОВНИНГ “САДОЙИ ФАРҒОНА” ГАЗЕТАСИДА ШЕЪР ВА МАҚОЛАЛАРИ БИЛАН ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ. У МУНАВВАРҚОРИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН БИР НЕЧА МАРТА ТОШКЕНТДА, УНИНГ МАКТАБИ ИМТИҲОНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТДИ, УЛАР ҲАҚИДА ТУРКУМ МАҚОЛАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

вилоятининг газети) саҳифаларида туркум мақолаларида эълон қилди. Исоққон Ибрат публицистикасида "усули қадим" ва "усули жадид" ўртасидаги кескин курашлар етакчилиги қилади.

Илгор педагоглар XIX аср охири ва XX аср бошларида келиб, "усули қадимия"га қарама-қарши давр талабларига жавоб бера оладиган, замонавий педагогиканинг илгор ютуқлари билан қуролланган "усули жадидия" мактабларини вужудга келтира бошлади. Улар хотин-қизларни маърифат нуридан баҳраманд қилиш гоялари билан чиқиб, уни ўз амалий фаолиятларида ҳам татбиқ қилишди. Исоққон Ибрат янги мактабларни олиштиришга қарши чиқиб, уларни "усули қадим" тарафдорларидан қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Бу ўринда 1907 йилда Исоққон Ибрат билан Тошкент шаҳар Себзор даҳасидаги эски мактабдор Мулла Хусанхўжа ўртасида кечган мунозара диққатга сазовор. Мулла Хусанхўжа домла ўз мактабини енгил-епли ислох қилиб, "жадид мактаби" деб эълон қилади ва бу ҳақда газета маъмурияти қуйидагиларни ёздади:

"Мулла Хусанхўжа Эшон ўғли ушбу 1907-нчи йилни(не) биринчи сентябринда бошлаб сартия болаларига ўқитладургон усули қадимиямизни усули жадид тартибига олиб, жамоа-жамоа қилиб ўқитадур. Чораки, мазкур тартибда мактаб болаларини(не) тез фурсатда саводларни қилиб, кўб фойдалар ҳосил бўлур экан. Биринчи жамоа "Ҳафтияки шариф", иккинчи жамоа "Қаломи шариф", учинчи жамоа "Ҳаҳор китоб" билан "Фузүлий" ёки "Навоий", тўртинчи жамоа "Илми фароуз" ўқуб, муддати икки ённи уч йил миёнасида мадрасаларда ўқумоқни хоҳлаганлари мадрасаларга чиқиб ўқумоққа қодир бўлур эканлар. ("Туркистон вилоятининг газети", 1907 й. 66-сон).

Юқоридаги сўзлардан маълум бўладики, Мулла Хусанхўжа домла ўз мактабини "ислох" қилиб, жамоа-жамоага бўлиб ўқитишдан ташқари ҳеч қандай ижобий ўзгариш киритгани йўқ. Халқ фарзандларини саводли қилишда катта эътибор қозонаётган "усули савтия" методи (ҳозирги бошланғич синфларда қўлланнадиган "аналитик товуш методи" — У.Д.) асосида Саидрасул Саидазизовнинг "Устоди аввал", Мунавварқорининг "Адиби аввал" алифбо ва ўқиб китоби дарсликлари нашрдан чиққан, Исмоилбек Гаспринскийнинг "Ҳужаи сиёни" алифбоси ва "усули савтияга тадриҳия

ила жамоаларга тақсим қилиб, келиш-кетиш, калтак ила кичи маъсалаларин ислох қилимоқ албатта лозимдур. Лекин ўқулмақ китоблари — мазкур эски китоблар, ўқутмақ домлалар — эски домлалар, мактаблари-да — эски ҳашарот уялари бўлгондун бу маъсалалар миғз мартабалаб ислох этилса-да бекор ва беҳудадур".

Халқ фарзандларининг ўн-ўн беш йиллаб мактаб ва мадраса тупроғини ялаб, охири саводсиз ёки чаласавод бўлиб чиқишлари Ибратни изтирозга солди. Чунки узоқ йиллар Шарқ ва Ғарб давлатларида таълим-тарбия, илм-фан соҳасидаги буюк ўзгаришларни кузатган мутафаккир ўз ватанидаги ҳеч бир ўзгаришсиз фаолият кўрсатиб келаятган бундай мактаблар миллатни хароб қилишини тушуниб етган ва чет эллардагидаёқ уларни тубдан ўзгартариш фикрига келган эди: "Агар елжон, инсоф ила муҳокама қилсак, таваққуфсиз ва тараббўдусиз эски мактабларимизни асосларидан йиқиб, жойларига тартиб ва интизом билан, янги усул домлаларини ҳимоясида бўлган мактаблар очмақ лозимдур. Эски мактабдорларимизни деҳқончилик хўналарига саҳе этмақ мувофиқи ҳақиқатдур". ("ТБГ", 1907, 66-сон).

Исоққон Ибрат мақолаларида эски таълим-тарбия тизимига кескин қарши чиқар, "усули савтияга тадриҳия" методини тартиб қилар экан, у биринчи навбатда, ўзининг амалий педагогик фаолиятига, ўлгага кириб келаятган илгор педагогик технологияларга суянди. 1907 йилда қилмоқ болалари учун иккинчи марта эски мактаблардан тубдан фарқ қилган, бепул "усули жадид" мактаби очди. Бу мактабда ўз фарзандлари билан бирга 50 нафар қишлоқ болаларини ўқитди. Мактаб "Исоққон боғи"даги ҳашаматли бинода — катта, ёруғ, дерезали хонага ўқулашган бўлиб, у янги ўқув қуроллари, асбоб-ускуналари — парта, стол-стул, қора тахта (доска), бур, қурайи ара (глобус), янги китоблар, дарсликлар, дафтар-қаламлар билан жиҳозланди ва таъминланди, ўқиш-ўқитиш ишларини ўзи тузган дастур асосида олиб борди.

У "усули жадид" мактабнинг ниҳоятда катта афзаллиқларини исботлашда кўпроқ ўзи эришган ютуқларга, ўз амалий фаолиятига татбиқ қилган янги методларга асосланди. Ибратнинг ушбу сўзларига эътибор беринг: "Мен ҳам ўзимга қарашлик ўнта-ўн бешта болаларни(не) эски мактабда ҳеч

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
Бош муҳаррир: САЛИМ ДОНИЁРОВ
ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЕЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.
ГАЗЕТАНИНГ ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИ УЧУН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРГАН ТАШКИЛОТ ЖАВОБГАР.
ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА САҲИФАЛАНДИ.
ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИК ҲИЖАТДАН СИФАТЛИ ЧОП ЭТИЛИШИГА “KOLORPAK” МЧЖ МАСЪУЛ.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январьда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
НАШР ИНДЕКСИ — 236. БУЮРТМА — 2052.
85744 нусхада босилди.
ҲАЖМИ — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. ҚОҒОЗ БИЧИМИ А2. Баҳоси келишилган нарҳда.
“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29.
Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусахҳас: Маллоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев
Манзиллими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎзА яқини — 22.46 Топширилди — 23.45